

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

**5440500 - «География» таълим йўналиши
09.433-гуруҳ битирувчиси**

Мансурова Инобатхон Мирзаевнанинг

**"Қува тумани топонимларининг линго-географик
хусусиятлари" мавзусидаги**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: география фанлари
доктори, профессор Ю.Аҳмадалиев**

Фарғона - 2013

Битирув малакавий иш кафедранинг 2013 йил 7 майдаги 9 Б – сонли
йиғилишида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган

Кафедра мудири: О.Абдуғаниев, география фанлари номзоди, доцент

Такризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1-БОБ.Топонимларнинг географик ўрганишнинг назарий асослари.	8
1.1 Топонимларда жойнинг географик хусусиятларини акс этиши.	8
1.2 Аҳоли масканларига ном қўйишда қўлланадиган қонуниятлар.	16
1.3 Топонимларнинг географик таснифлашнинг илмий асослари	25
2-БОБ. Қува тумани топонимлари шаклланишининг ўзига хос шарт-шароитлари.	35
2.1 Қува тумани топонимияси шаклланишига таъси этувчи географик шароитлар.	35
2.2 Туман топонимларининг лингво- географик хусусиятлари.	43
2.3 Қува топонимиясининг такомиллаштириш йўналишлари	53
ХУЛОСА.....	63
ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.....	66

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Географик жой номлари яъни топонимлар ўрганилатган ҳар бир ҳудуднинг табиий, яъни жойнинг табиий- географик ва ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятларини ўзида акс эттириша билан ажиралиб туради. топонимларга, яъни жамият ҳаётини акс эттирувчи топонимларга бўлинади.

Жой номларининг шаклланиш жараёни жамиятнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ, жойларга қандай ном бериш аввало жамиятнинг муайян босқичдаги эҳтиёжлари билан белгиланади. Географик номлар кўп қиррали ва хилма-хил ахборот манбаи бўлиши билан бирга, кишилиқ жамияти учун зарур ва муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий вазифани, яъни адреслик функциясини бажаради. Шу сабабдан ҳар қандай топоним инсон фаолиятининг маҳсули, у географик объектнинг номи сифатида ер юзининг маълум бир нуқтасида пайдо бўлган. Ҳар бир давр, тузум ўз мафкураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалиқ фаолияти ва бошқа сиёсий, иқтисодий-ижтимоий омилларга таяниб номлар мажмуини яратади ва айнан жой номларида кишилиқ жамияти тараққиётидаги давр руҳи, халқнинг турмуши ва маданияти билан боғлиқ турли хил воқеа-ҳодисалар муҳрланиб қолган.

Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўтмиш даврлар даракчиси бўлмиш топонимларнинг аҳамиятига алоҳида диққат қилиб шундай ёздилар “аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-ҳиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган... Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эскишаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик

нақадар ривожланганлигидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганлигидан далолат беради”¹.

Қува тумани топонимиясининг шаклланишига ҳам бошқа ҳудудларда бўлгани каби жойнинг табиий-тарихий ва ижтимоий – иқтисодий шароитлари тасир кўрсатган. Ҳудуднинг гидрологияси билан боғлиқ топонимлар қаторига **Булоқбоши, Дамарик, Кандабулоқ, Каналтаги, Оққудук Сойкелди, Сойгузар, Мингбулоқ, Тошховуз, Қўшкечик** кабилар киритилса, Қува тумани учун хос бўлган ўсимликлар дунёсини ўзида мужассамлаштирган **Анорзор, Анор, Мингчинор, Толмозор, Терактаги, Тўптол, Теракзор, Чилон, Учтол, Қайроғоч Қатортол** каби жой номлари ҳам кенг тарқалган. Туманда жойнинг рельеф хусусиятини ва тупроқ таркибини акс эттирувчи **Дашт, Зиндонтепа, Шўрқишлоқ, Шўрмаҳалла, Қум, Қумқишлоқ, Қуммаҳалла, Қорақум, Қўриқ** сингари топонимлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Туманда уруғ-қabila номлари билан боғлиқ бўлган номлардан **Жалоер, Найман, Тожик, Турк, Турккровот, Ўзбек, Юзия, Қалмоқ, Қашқар** номларини, диний ва табақаларни акс эттирувчи номлардан **Болалик, Сўфи, Эшон, Хўжа-Хасан, Юқори Хўжа, Хожибек** кабилар кўп учирайди. Қува туманида ҳам топонимларнинг катта гуруҳини иқтисодий ижтимоий турмушни акс эттирувчи номлар ташкил этади, жумладан **Бўстон, Бойистон, Бойқўрғон, Бекобод, Бекат, Дехқонобод, Мехнатобод, Пахтаобод, Султонобод, Каттақишлоқ, Қалинпўстин** каби жой номлари ташкил этади.

Юқоридаги таснифдан кўриниб турибдики тумандаги жой номлари жойнинг географик хусусиятларини ўзида акс эттирган бўлиб уларни лингво-географик хусусиятлари ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси. Жой номларини ўрганишда тилшунос ва географ олимларининг қўшган ҳиссалари ҳам

¹ Каримов И. Юксак маънавият–енгилмас куч.—Тошкент: “Маънавият”, 2008. 92-бет.

улкандир. Я.Ғ.Ғуломов, Р.Н.Набиев, А.Р.Муҳаммаджонов, Ҳ.Ҳасанов, Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов, Э.Бегматов, А.Ишаев, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев каби олимларнинг бу соҳадаги ишлари диққатга сазавордир. Фарғона водийси топонимларини ўрганишда Н.Охунов Ю.Ахмадалиев каби олимларнинг тадқиқотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.

Қува тумани мисолида жой номларининг шаклланишида минтақанинг табиий-иқтисодий географик хусусиятларини таҳлил қилиш, минтақа аҳоли пунктлари номларини лингво-географик таҳлилининг амалга ошириш, мавжуд номларни тартибга солиш бўйича илмий – амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Ишда қуйидаги вазифалар белгиланган ва ҳал қилинган.

- ✓ табиат ва жамият алоқадорлигининг жой номларида акс этишини таҳлил қилиш;
- ✓ топонимиканинг табиий географик жиҳатларини ўрганиш;
- ✓ топонимларнинг номланиш қонуниятларини таҳлил этиш;
- ✓ туман аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби ва уларнинг топонимик жиҳатдан ўрганилишини тадқиқ этиш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объекти сифатида Қува туманида мавжуд ойконимларни акс эттирувчи географик жой номлари олинди. Топонимларнинг маъноси ва лингво-географик таҳлил этиш унинг предмети белгилайди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси бўлиб, топонимист олимлар томонидан яратилган таълимот ва назариялар ва шунингдек Республикамиз президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган гоялар хизмат қилган. Тадқиқот давомида таккослаш, лингвистик таҳлил абстракт фикрлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий иши таркиби. Ушбу битирув иши таркиби кириш, 2 та боб, 6 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

1-БОБ. ТОПОНИМЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ- НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1 Топонимларда жойнинг географик хусусиятларини акс этиши.

Географик объектлар қанча кўп ва хилма-хил бўлмасин, ҳар бирининг номи бор, уларда содир бўлган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш ўрганиш, таҳлил қилиш ва таққослаш, албатта, халқнинг ижодий маҳсули бўлган жой номларини ўрганишдан бошланиши керак. Чунки, жой номлари географик объектларнинг ўрни, табиий ва иқтисодий-ижтимоий хусусиятларини ҳамда кўпгина бошқа географик тушунчаларни ҳам ўзида мужассам этган бўлади. Ҳ.Ҳасановнинг ибораси билан айтганда: «номлар жойларга шундай мослаб берилганки, маҳаллий аҳолининг заковатига қойил қоласан киши. Янги туғилган чақалоққа от қўйиш осон. Чунки юзлаб тайёр исмлар бор, улардан фақат ўзингизга маъқулини танлаб оласиз. Аммо жой номлари тайёр эмас. Уларни «ўйлаб топиш» керак, исмини жисмига монанд қилиш керак»

Табиат ва жамият (энг аввало ишлаб чиқарувчи кучлар) ўзаро боғлиқ ва бир-бирига доимо таъсир кўрсатади. Масалан, одамлар ҳаёти учун зарур бўлган моддий бойликларни ишлаб чиқариш вақтида табиат кучи ва ресурсларидан фойдаланади, шу билан бирга табиий комплексларнинг ривожланиш йўналиши, тезлиги ва чегараларини ўзгартиради. Табиий муҳит ҳам ўз навбатида жамиятнинг ривожланиши, хўжалик шакли ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга доимо таъсир кўрсатади. Чунончи, денгизга яқин жойлашганлик хўжалик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Жамиятни ўраб турган табиат ёки кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган табиий муҳит одамларнинг таъсири натижасида ўзгаради. Шу билан бирга табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқасига фан ва техника ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумининг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришнинг баъзи жиҳатлари муайян даврда ривожланиш учун зарурий омил бўлиб хизмат қилган бўлса, бошқа даврда ишлаб чиқаришнинг тарихий самараси сифатида намоён бўлади. Масалан, дарёнинг табиий оқимини ҳисобга олиб қурилган тегирмон ўша даврнинг табиий эҳтиёжи маҳсулидир. Агар ўша дарё тўғон орқали тўсилиб суви кераклича бошқарилса, гидроэлектростанция трубиналарини ҳаракатга келтирса у энди нафақат географик муҳитнинг бир бўлаги, балки ишлаб чиқаришнинг тарихий натижаси ҳам ҳисобланади.

Табиатни инсоният манфаатларини кўзлаб ўзгартириш учун табиатнинг асосий географик қонуниятларини чуқур ўрганиш ва уларга амал қилган ҳолда иш тутиш лозим. Шу сабабдан, табиат билан жамият ўртасидаги мавжуд алоқадорлик ва ўзаро таъсирни табиат ва жамият қонуниятларини бир-бирига тадбиқ этиш билан эмас, балки бу қонуниятларни ўрганиб, улардан одамлар табиат билан муносабатда ҳамда хўжалик фаолиятида унумли ва оқилона фойдаланиб иш кўришлари керак. Бундай ҳолатнинг биринчиси жамиятнинг табиатга таъсири деб аталса, иккинчисини табиатнинг жамиятга таъсири дейиш мумкин. Жараёнлар ўзаро чамбарчас боғлиқ, чунки инсон ўз хўжалик фаолиятини мавжуд табиий шароитга мослаб кўпинча уни ўзининг талабига мувофиқ ўзгартириши ҳам мумкин, аммо бу ўзгаришлар табиат қонунларига зид бўлмаслиги керак.

Табиат жамият ривожини учун, энг аввало, шароит яратади ва бу шароит қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин, аммо яратилган шароит жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Шу сабабдан мамлакат ривожланганлигини ёки қолоқлигини мавжуд қулай ёки ноқулай табиий шароит билан боғлаш унчалар ҳам дуруст эмас. Маълумки, жамият, мамлакат ёки

минтақанинг ривожланиши табиий омиллардан ташқари бир қатор тарихий, сиёсий, технологик ва бошқа омилларга ҳам боғлиқдир. Бинобарин, жамиятнинг ривожланиш даражасини фақат табиий омилларга боғлаб бошқа омилларни тан олмаслик ёки уларнинг ролини ҳаддан ташқари камситиб кўрсатиш нотўғридир.

Жамиятнинг ривожланиши билан одамлар табиат қонунларини аниқлаб, ўрганиб уларга таянган ҳолда иш кўради. Чунончи, нефть ва кўмирнинг иссиқлик энергиясидан электроэнергия ишлаб чиқариш, ботқоқликларни қуритиш, ерларни суғориш, юқори навли экинлар экиш, самолёт ва ракеталар ясаб ернинг тортиш кучидан чиқиш ва ҳоказо каби ишлар амалга оширилди. Шунини ҳам қайд этиш керакки, бугунги жамият мисли кўрилмаган даражада ривожланган пайтида ҳам табиатнинг ҳали аниқланмаган ёки аниқланиши лозим бўлган қонуниятлари кўп. Уларни аниқлаш ва ўрганиш жараёни жамият ривожланишининг ҳамма даврларида давом этган ва бундан кейин ҳам долзарб масала бўлиб қолаверади.

Масалан, инсон чўлда чорва молларининг сонини кўпайтириб, тупроқ қатламининг бузилишини тезлаштириши мумкин. Натижада, инсон фаолияти таъсирида қумларнинг кўчиши, ўсимлик қатламининг сийраклашиши кузатилади. Аксинча, чўлда чорва сони камайтирилса, ўсимлик қоплами қайта тикланади, қумлар кўчиши секинлашади, тупроқ қатлами аста-секин асл ҳолига келади. Аммо, ҳар икки ҳолатда ҳам, салбий ва ижобий ўзгаришлар табиат қонунлари асосида кечади. Бир қарашда табиат жамият олдида пассив, кучсиз, заифдек кўриниши мумкин. Аммо, ҳақиқатда бундай эмас, табиат кўзгалса, уйғонса ундан қудратли куч йўқ. Чунончи, сув тошқинлари, тайфунлар, ёнғин, zilзилалар, вулқонларнинг отилиши, қурғоқчиликлар ҳар қандай ривожланган мамлакатни, жамиятни ҳалокатга олиб бориши мумкин.

Таъкидланганидек, табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабати мураккаб жараён, у замон ва маконда ўзгариб боради. Инсон табиат бойликларидан қанча кўп ва аниқ режасиз, яъни палапартиш фойдаланса, табиат ҳам инсонга

шунча кўп «ташвиш» келтиради. Табиат бойликларининг маҳсулдорлигини ва табиий шароитнинг инсон учун қулайлигини сақлаб қолиш учун улардан меъёрида фойдаланишни ҳамма жойда амалга ошириш, унинг компонентлари ўртасидаги ўзаро табиий мувозанатни барқарор сақлаб туриш зарур. Шундагина табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабат ижобий бўлади.

Табиатни «забт этамиз» деган одамлар ўз ҳаёт фаолиятлари билан унга жуда катта зарар етказишлари мумкин. Масалан, табиатнинг энг асосий ресурсларидан бири ер - у одамларнинг яшаши учун ҳам ва бутун хўжалик тармоқлари учун ҳам зарур, аммо ердан ваҳшиёна фойдаланиш салбий (чўллашиш, шўрланиш, тупроқ эрозиясининг кучайиши ва ҳоказо) оқибатларга олиб келмоқда. Бошқача айтганда, инсон географик муҳитга кучли таъсир ўтказса, кейинчалик у инсониятга хавф солиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Кишилиқ жамиятига табиатнинг таъсири ҳам бевосита рўй бермайди, балки, албатта жамиятда таркиб топган ижтимоий муносабатлар орқали бўлади.

Профессор Л.А.Алибеков таъкидлаганидек, «географик муҳитни бир бутун ҳолда ўрганиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан унумли фойдаланиш муаммоларини ўрганишда ҳозирги замон конструктив географиянинг етакчи ролини инкор этиб бўлмайди».

Цивилизациянинг дастлабки кунларидан бошлаб одамлар теварак-атрофни кузатиб географик объектларни бир-биридан фарқлаш мақсадида уларга ном берганлар. Дастлаб табиий объектларга зарурият юзасидан оддий, содда ва тасодифий номлар берилган. Кейинчалик атроф табиий муҳити ҳақидаги тасаввур кенгайиб, бир булоқни иккинчисидан, бир ўтлоқни бошқасидан, яқиндаги тепалиқни наригисидан фарқлаш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлган.

Ижтимоий онг ривожланган сари тушунчалар сони ортиб географик номлар мураккаблашиб борган. Кишилиқ жамиятининг ривожланиши ва кундалиқ эҳтиёжларининг ортиб бориши янги ҳудудларни ва табиатнинг

таркибий қисмларини ўзлаштиришга олиб келган, бу эса ўз навбатида жой номларининг кўпайишига сабаб бўлган. Географик номларда ўлканинг кўпгина табиий хусусиятлари, аҳолининг ҳўжалик фаолияти, жамиятдаги кўп асрлар давомида содир бўлган тарихий, ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳам ўз аксини топган. Маълумки, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси табиат бойликлари ҳисобланади. Инсон қадим замонлардан бошлаб уларни ўрганиш, ареалини аниқлаш, улардан меъёрида фойдаланишга ҳаракат қилган. Масалан, республиканинг Андижон, Тошкент, Жиззах вилоятлари топонимияси таркибида Бетага, Бетагали, Бетагалисой каби жой номлари учрайди. Бетага - майда ўт, маҳаллий халқ унинг чорва учун озуқабоб ўсимлик эканлигини билган ҳолда ушбу жойларга шундай ном берган.З.М. Бобур бетага ўсимлигига ажойиб таъриф берган. «Андижонда бу ўтни бутка дерлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун уни бутака дерлар эмиш» Бу ўт ҳақиқатдан ҳам тўп-тўп бўлиб ўсади. Бобур айтганидек, бетагани айниқса йилқи яхши кўради, бетагали яйловда юрган бия яхши семиради, қимизи ёғли ва ёқимли бўлади.

Жой номлари, табиат ва жамият алоқадорлиги масаласини ўрганувчи ижтимоий-иқтисодий география учун ҳам кўпгина маълумотлар беради, чунки халқ турмуш тарзининг турли тамонлари географик номларда ўз аксини топган. Масалан, аҳоли пунктлари номларини бошқа географик объектлар номларидан кўра муҳимроқ деб ҳисоблаш мумкин, сабаби уларда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ўз инъикосини топган. Ойконимлар ёрдамида аҳолининг қадимий ҳўжалик юритиш шакллари, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари, қазиб олинган фойдали қазилма жойлари, ўтмишдаги карвон йўллари, ривожланган ҳунармандчилик турлари, халқларнинг тарқалиш ареали каби масалаларга ойдинлик киритиш мумкин.

Халқ турмушининг турли ижтимоий - иқтисодий жабҳалари ҳам географик номларда ўз аксини топган. Маълумки, халқимиз қадимдан турли касб-ҳунарлар билан шуғулланиб келган. Ўтмишдаги касб-ҳунарларнинг

аксари йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, аммо улар географик номлар таркибида ҳозиргача сақланиб қолган. Қува туманда халқнинг касб-ҳунарларидан дарак берадиган номлардан **Бўзахўр, Дехқонобод, Ўқитувчилар, Тегирмонбоши, Қалинпўстин, Қоровул Фахрийлар** деб аталган жой номлари мавжуд.

Географик номлар таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таалуқли жой номлари ҳам бор. Бундай топонимларнинг пайдо бўлиши кўпинча ҳудуднинг табиий шароити билан ҳам боғлиқ, деҳқончиликнинг қайси турини ривожлантириш учун яхши имконият бўлса у жой номига асос бўлган, яъни пахта етиштириш учун қулай шароит бўлган жойларда **Пахтакор, Пахтачи, Пахтазор**, ғалла яхши ҳосил берадиган ҳудудларда **Ғаллакор, Бугдойчи, Ғаллаорол** каби географик номлар ҳам шу йўсинда пайдо бўлган. Қувада **Анор, Анорзор, Мингчинор, Учтол** каби номлар ҳам аҳоли фаолияти билан боғлиқ.

Баъзан авваллари диққатни жалб қилмаган жойлар кейинчалик аҳамият касб этган. Шу сабабдан жой номларини муайян ҳудудда ажралган ҳолда эмас, балки ўша ҳудуд билан, у ердаги табиий ҳамда ижтимоий - иқтисодий шароитлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мутахассисларнинг аниқлашича, Ўзбекистонда тахминан ўн уч минг аҳоли пункти мавжуд, уларнинг номларида ўлка табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса-воқеалар, аҳолининг касб-ҳунарлари номлари ва бошқа кабилар ўз аксини топган. Келажакда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиши, халқаро алоқаларнинг ривожланиши, янги ерларнинг ўзлаштириши халқлар ҳаётида уларнинг роли ва аҳамиятини янада оширади. Жой номлари аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлганлиги сабабли табиат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришлар уларга таъсир қилмасдан қолмайди, тарихий давр, тил ва халқларнинг алмашиши географик муҳитнинг ўзгаришига олиб келиши аниқ.

Географик объектга айнан шундай ном берилишига асос бўлган сабаб фақат ном берилаётган вақтда зарур, кейинчалик у топоним учун муҳим эмас.

Бундай дейишга асос жой номини яратган ва ундан доимо фойдаланадиган халқ учун топоним географик объектларни бир-биридан фарқлаш учун зарур. Ҳар қандай топоним этимологияси аниқ ёки ноаниқлигидан қатъий назар бу вазифасини яхши бажариши мумкин. Кундалик ҳаётида топонимдан тез-тез фойдаланиб турадиган маҳаллий халқ учун жой номининг келиб чиқиши, қандай мазмун ва маънога эга эканлиги унчалик муҳим эмас, натижада баъзан топоним тушунарсиз ёки умуман бошқа маъно касб этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар топонимияда анча кенг тарқалганлиги боис, соҳа мутахассисларининг асосий вазифаларидан бири уларнинг унутилган этимологиясини тиклашдан иборат.

Баъзан нотаниш номлар маҳаллий халқ тилининг грамматик хусусиятларига қараб шаклан ўзгариб тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин. Масалан, Наманган вилоятидаги Поп шаҳри бундан минг йилча олдин битилган ёзма манбаларда Боб шаклида қайд қилинган. Арабчада боб сўзи “дарвоза” маъносини англатади. Боб сўзи топонимга айлангандан кейин маҳаллий халқ талаффузида Поп шаклини олиб, асл маъносидан узоқлашиб, тушунарсиз бўлиб қолган.

Шуни таъкидлаш жоизки, географик номларни ўрганишда шошқалоқликка йўл қўйиб бўлмайди, чунки топоним бу ҳимоясиз сўз, ундан ҳар қандай маънони сиқиб чиқариш мумкин. Бошқача айтганда, маҳаллий халқ топоним қанча «юкни» ўзида сақлашга қодир эканлигини билиб географик объектларга ном танлаган. Шундай экан, географик номлар жойни бирон хусусиятини, у билан боғлиқ тарихий воқеа-ҳодисани ўзида мужассам этган оддий сўз билан жойнинг иттифоқидир. Бинобарин, жой номлари «ўлик» сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа қўплаб сирларни асраётган топилмадир.

Жой номига асос бўлиб хизмат қиладиган белгини танлаш географик муҳит билан боғлиқ эмас, балки уни доимо жамиятнинг ривожланишига туртки бўлган сабаблар орасидан қидириш керак. Географик объектга хос

бўлмаган ном ҳам жамиятда мавжуд ва у ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби, тарихий қонуниятларга бўйсунди. Объектларнинг табиий хусусиятларини ифодаладиган географик номлар жамиятнинг дастлабки босқичида кўпроқ бўлган, кейинчалик эса табиатга жамиятнинг таъсирини кучайиши оқибатида улар аста-секин камайиб борган.

Туманда жой номлари таркибида, ижтимоий муносабатларни билдирадиган *Чек, вақф* сўзи ҳам учрайди. Вақф - жой номлари таркибида, ёки мустақил равишда топоним ҳосил қиладиган ижтимоий термин. Вақф сўзи арабча бўлиб «васият қилинган», «иноят қилинган», «бағишланган» маъносини англатади. Ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам катта-катта ерлар, дўконлар, ҳунармандчилик расталари, тегирмонлар, ҳаммомлар, обжувозлар ва бошқа мулклар масжид-мадрасаларга, мусофирхона-шифохоналарга васият қилиб берилган, яъни вақф қилинган, улардан олинган даромадлар шу муассисаларнинг эҳтиёжларига сарфланган. Ўзбекистонда, хусусан Зарафшон водийсидаги **Вақф, Вақфи кўрғон, Чек, Янгичек** каби жой номлари, ана шу термин билан боғлиқ.

Жой номлари шаклланиши жараёнида муайян тарихий даврни босиб ўтиб, ўзида озми-кўпми ахборотни тўплайди. Масалан, Кува тумани топонимияси таркибидаги **Акбаробод, Гулистон, Бўстон, Дехқонобод, Пахтаобод, Пахтакор, Анорзор Боғзор**, каби топонимлар пахтазорлар, боғлар, гулзорлар кўпайиб, халқ фаровон ҳаёт кечираётгани ҳақида маълумот беради.

Ҳар бир ном, деб ёзган эди Т.Нафасов, тил-факти, тарих-ҳодисаси, география - адресати. У муҳим ижтимоий - сиёсий функцияни бажаради, ер юзасидаги объектлар учун ориентир саналади. Топонимия халқлар ва тиллар муносабатини акс эттирувчи кўзгудир. Ўтмишда топонимлар дастлаб географлар, тарихчилар томонидан ўрганилган. Ҳозир географик номларни лингвистлар система сифатида тадқиқ этмоқдалар

Бизнинг назаримизда, кишилиқ жамияти учун географик номларнинг адреслик функцияси энг муҳим ҳисобланади, чунки фақат унинг ёрдамида бир

географик объектни иккинчисидан ажратиш, фарқлаш ва аниқ ўрнини топиш мумкин. Жой номи, яъни топоним - географик объектнинг аниқ адресидир. Географик номларнинг адреслик функцияси нақадар муҳимлигини В.А.Никонов аниқ таърифлаган: «Бир лаҳзага фараз қилайлик, дейди В.А.Никонов, планетамизда географик номлар ўчириб ташланди. Шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, денгизлар, тоғлар, давлатлар, кўчалар ҳаммаси номсиз. Натижада, транспорт изидан чиққан, одамлар қаерга юришини, юкларни қаерга туширишни, тез ёрдам машинаси қаерга боришини билмайди, жаҳон хўжалигининг инқирозга, инсониятнинг эса ибтидоий жамоа даврига тушиб қолиш хавфи пайдо бўлган, бунинг ҳаммаси кичкина бир географик ном туфайлидир».

1.2. Аҳоли масканларига ном қўйишда қўлланадиган қонуниятлар.

Ҳар қандай географик объектни тўғри номлаш доимо муҳим ва долзарб масала ҳисобланган, аслида ер юзасидаги барча объектлар эмас, балки инсон фаолиятида маълум аҳамияга эга бўлган ёки бошқа объектлардан нимаси биландир фарқ қилиб, одамлар диққатини ўзига тортган жойларгина номланган. Бошқача айтганда, кишилиқ жамиятини ўраб турган географик муҳитда, яъни унинг инсон хўжалиқ фаолияти таъсирида ўзгарган қисмидагина ҳар бир географик объектнинг ўз номи бор. А.В.Суперанская фикрича, «Табиат ёки инсон қўли билан яратилан ва аниқ адресга эга ҳар қандай катта (океан, қитъа, материк) ёки кичик (уй, боғ, қудук) «предмет»лар, яъни географик объектлар ўз номига эга».

Бошқа предметлардан географик объектларнинг фарқини уларнинг икки хил номланишида кўриш мумкин, умумий, яъни муайян тушунчалар системасидан иборат умумий номлар (мамлакатлар, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар) ҳамда хусусий. Хусусий ном ҳар бир географик

объектнинг фақат ўзига берилади. Масалан, **Фарғона, Қува, Бекат, Каркидон, Ровот** ва ҳоказо. Умумий номлар бир қанча географик объектларни бирлаштиради. Масалан, Ўзбекистонда бир неча минг аҳоли пунктлари, қишлоқлар мавжуд; бунда аҳоли пункти, қишлоқ бу объектнинг умумий номи, лекин ҳар бир аҳоли пунктининг ўз номи бор, у эса хусусий ном.

Топонимларнинг пайдо бўлиши, турғунлашиши, ўзгариши ёки аксинча қайта номланиши жамиятдаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Бизнингча, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, жамият ҳаёти ва тараққиётида юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар қисман жой номларининг ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин. Аслида, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган объектлар, жумладан, вилоят, туман ёки катта-кичик аҳоли пунктлари ўзининг жамият ҳаётида тутган ўрни билан алоҳида ажралиб туради. Бундай географик объектлар ҳар қанча катта бўлмасин, табиий-географик объектларга нисбатан ўзининг аниқ белгиланган чегаралари билан фарқ қилади. Ижтимоий онг, иқтисодиёт ва савдо алоқалари ривожланган сари тушунчалар сони ортиб, географик номлар грамматик ва семантик жиҳатдан мураккаблаша борган. Жойларга ном қўйиш ҳамон давом этмоқда, чунки янги шаҳарлар ва қишлоқлар барпо этилмоқда, конлар топилмоқда ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига янги номлар керак. Географик объектларга ном қўйишнинг қонуниятларини билмасдан иш кўриш кутилган натижалар бермайди. Бундай қонуниятларни айниқса топонимик комиссия аъзолари яхши ўзлаштириб олишлари керак.

Аҳоли пунктларига ном беришда аввалги хато ва нуқсонлар такрор бўлмаслиги даркор. Шунини унутмаслик керакки, топоним, яъни географик ном сўз, лекин ҳамма сўздан ҳам жой номи ясалавермайди. Географик номлар объектларнинг шакл-шамойили, паст-баландлиги, ранг-туси, флора ва фауна дунёси, ҳудуд экспозицияси, орографияси каби хусусиятларни ўзида акс этадиган сўзлар бўлиши шарт. Масалан, одамлар ўсимликлардан табобатда қадимдан кенг фойдаланиб келишган. Шунинг учун ҳам доривор ва зиравор ўсимликларнинг номлари топонимлар шаклида қайд қилинган ёки боғдорчилик

ва деҳқончилик ривожланган воҳаларда кўпроқ меваги дарахтлар ва экинларнинг номларини топонимлар шаклида учратса бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, географик номга, жумладан аҳоли пункти номига айланган ҳар қандай сўз янги маъно касб этади, асл маъносидан муайян даражада узоқлашади, яъни топонимга айланиб ягона, конкрет, янги бир тушунчага айланади. Масалан, Танги сўзи табиий географик термин сифатида «тор дара», «энсиз тоғ оралиғи» маъноларини ифодалайди, аммо у қишлоқ номига ўтган бўлса, унда аҳоли пункти номи сифатида асл маъносидан узоқлашади ва фақат географик объектни ифодалайдиган бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, бошқа ойконимлар каби ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этиб, жамиятнинг турли эҳтиёжларига хизмат қилади.

Географик объектларни номлашда топонимик қонуниятлар талабларининг бажарилиши муҳимлиги сабабли уларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Топонимларни номлашда қуйдаги қонуниятлар мавжуд:

Топонимик позитивлик – номлар географик объектларнинг табиий ёки ижтимоий-иқтисодий аломатларини, яъни реал воқеа-ҳодисаларни ўзида акс эттиришдир. Кўпчилик географик номларнинг вужудга келишида оддий географик терминлар асосий рол ўйнайди. *Ариқ, бог, булоқ, дара, дарё, довод, жар, кўприк, кўча, тепа, тоғ, сой* ва ҳоказо каби географик терминларнинг олдига ёки орқасига бир от, сифат, сон ёки қандайдир қўшимча қўшилса, объектларнинг хусусиятларини акс этдирадиган топонимлар ҳосил бўлади. Чунончи, Кува туманида **Олтиарик, Қўшкечик, Қирғизарик Учтол, Мингчинор, Қорадарё, Чорбоғ, Ёмонжар** каби номлар шу қонунят бўйича яратилган.

Географик ном қанча қадимий бўлса, унинг объект билан боғлиқлиги шунча ишонарли бўлади. Жой номининг этимологиясини аниқлашда мавжуд бир неча фараздан биттасини, яъни топонимнинг мазмуни ва моҳиятига бевосита тўғри келадиганини танлаш ижобий натижа бериши мумкин. Масалан,

Ўртақишлоқ деганда қишлоқ ён-атрофдаги аҳоли пунктларига нисбатан оралиқ мавқега эга эканлиги аниқ ёки **қудуқча** номи «кичкина қудуқ» эмас, аксинча «қудуқ кўп» дегани, оқар сув бўлмаганидан кўпчилик қудуқлардан сув ичганлиги сабабли шундай номланган.

Географик номлар реал воқеаликни акс этдириши туфайли ҳам қимматлидир. Ўзбекистон геологлари талай конларни топишда топонимларнинг роли катта эканлигини алоҳида қайд қилганлар. Чунончи, мутахассислар олтин конларини аниқлашда жой номлари таркибидаги *олтин, зар, тилла* каби терминлар индикатор бўлиб хизмат қилганини эътироф этишган. Шуниндек, **Оқтош** деган жойлардан ҳам олтин топилгани қайд этилган. Чиндан ҳам халқ оқтош деб атайдиган кварц минерали таркибида олтин бўлади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон конларида олтин асосан кварц таркибидан олинади

Нисбий негативлик - маълум бир ҳудудда бир хил предмет кўп бўлганда у жойнинг номи учун белги бўлолмайди. Одатда шу жойда кам, кишилар назарига тез ташланадиган белгилар, нарсалар географик объектларнинг номланишида асос қилиб олинади. Масалан, янтоқзор жойда **Янтоқли**, шўр сувли ерда **Шўрсув**, булоғи кўп дарада **Булоқли** деган географик номларнинг яратилиши топонимика учун хос эмас. Агар нуқул олма, ўрик ўсадиган ҳудуднинг бирон бурчагида ёнғоқ ўсса, албатта ўша жой **Ёнғоқли**, суви шўр бўлган чўлда ширин сувли қудуқ топилса, **Ширинқудуқ** ёки **Чучукқудуқ** деб аталади. Ҳамма томонни қизилқумни қумлари эгаллаган. Ўзбекистонда юздан зиёд аҳоли пунктларининг **Пахтакор** деб аталиши тўғри эмас. Қувада ҳам Собиқ шўролар даврида *коммунизм, социализм, октябрь* каби оддий турдош отларнинг топонимлар шаклида болалаб кетиши ҳам топонимиканинг бу қонунига зид эди. Жойларнинг номланишидаги бундай ҳолатни В.А.Никонов *нисбий негативлик қонуниятининг* маҳсули деб атаган.

Ўзлашма номлар (таржима номлар) қонуни - топонимикадаги бу қонуниятнинг моҳияти шундаки, географик номларнинг шакли, эшитилиши

ўзгаргани билан, аммо мазмуни ўзгармасдан қолади. Масалан, Зарафшон дарёси этагида ўрта асрларда узунлиги 70-80 чақирим келадиган катта кўл бўлган. Кўлда қайиқлар, ҳатто кичикроқ кемалар қатнаб турган. Шунинг учун ҳам Зарафшон дарёсининг ҳозирги ўзанидан бир неча километр узоқларда ҳам **Кемачи, Кишти, Ғишти** деган қишлоқлар бор. Кишти тожикча «кема», «қайиқ» деган сўз. Ўша катта кўл суғд тилида **Сомжон** деб аталган. Сомжон «қорамтир сув» дегани, демак **қоракўл** ана шу Сомжон топонимининг таржимаси, калькасидир. Ўзбекистонда **қизилсув - Сурхоб, қорасув - Сиёхоб, Оксув – Сафедоб** каби номлар учрайди. Қадимда юнонлар Амударёни Оксос, нариги томонини, яъни шимол томонини **Трансоксания** «Окс дарёсининг нариги томони» дейишган, уни араблар ўз тилларига айнан таржима қилиб **Мовароуннаҳр** дейишган. Окс қадимий туркий тилдаги **Ўкуз** сўзининг юнонча талаффуз шакли, демак Трансоксания ҳам туркий **Ўкузорти** топонимининг калькаси, таржимаси бўлиши мумкин.

Яна бир мисол, Нурота тоғларининг энг баланд чўққиларидан бири Фориш тумани **Ухум** қишлоғининг ҳудудида жойлашган. Узоқдан қараганда инсон бармоқларига ўхшайдиган бу чўққини тожиклар **Панжангушт** деб атайди (тожикча, панж-«беш», ангушт-«бармоқ»), ўзбеклар эса уни **Бешбармоқ** дейишади. Нурота тоғларининг энг баланд нуқтаси маҳаллий аҳоли томонидан Сарихоҳт деб аталади, аммо хариталарда кўпинча унинг таржимаси (калькаси) Ҳаётбоши (2169 м.) берилган.

Географик номларнинг қаторлар қонунининг - моҳияти жой номлари ҳеч қачон якка - ёлғиз, ўз ҳолича пайдо бўлиб қолмайди, балки ҳар доим бир-бирига нисбатан номланади деган хулосада кўринади. В.А.Никоновнинг таъкидлаганидек, «жой номининг келиб чиқишини аниқлаш учун энг аввало у ягона эмас, балки бошқа номлар қаторида пайдо бўлганлигини тушуниш муҳимдир *катта - кичик* (**Катта Боғдон - Кичик Боғдон**, *баланд - паст* (**Баландчақир - Пасткичақир**), *паст - юқори* (**Юқори Ровот - Пастки Ровот**), *эски - янги* (**Эски Бўстон - Янги Бўстон**, , каби сифатлардан таркиб топган

номлар вилоят ҳудудида талайгина топилади, улардан бири аниқланса, албатта иккинчисини ҳам топса бўлади.

Халқона этимология ёки сохта этимология – одамлар ҳар қандай географик номни ўзича тушунтириб беришга ҳаракат қиладилар. Масалан, Жиззахни «*дўзах*», қўқонни «*хук кон*», яъни «*тўнғизи кўп жой*» деб, Наманганни намак кон «*туз кони*» деб ҳисоблашади. Фориш топоними ҳақида Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қуйидагича маълумот берилган: “маҳаллий маълумотлар бўйича туман номига ўтган Фориш қишлоғининг номи Амир Темур Самарқанд атрофида қурдирмоқчи бўлган “Париж” шаҳри номидан олинган. Кейинроқ маҳаллий халқ шевасида бу атама Фориж, Фариш, Фориш деб ўзгариб борган деган тахмин мавжуд

Аслида эса бу ҳақиқатга тўғри келмайди, балки сохта этимологиядир. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги топонимларнинг талай қисми қадим замонларда бошқа тилларда гаплашадиган халқлар томонидан қўйилган. Кейинчалик тушунарсиз бўлиб қолган жой номини маҳаллий аҳоли ўз тилига мослаб талаффуз қилаверган, натижада топоним бутунлай ўзгариб кетган.

Шуни унутмаслик керакки, номлар турлича йўллар билан пайдо бўлади ва баъзан бир неча минг йиллик тарихга эга. Халқ жонли тилидаги сўзлардан таркиб топган, ҳеч қандай буйруқ ва кўрсатмасиз, маъно - мазмун, фонетик ва грамматик жиҳатдан тўғри қўйилган географик ном чинакам халқ мулкидир. Топонимиканинг юқорида кўрсатилган қонуниятларини билмасдан туриб, фақат чиройли сўзлардан иборат географик номлар қўйиш эса тарихга, тилга, фанга кўнгилдагидек хизмат қила олмайди.

Жой номлари аксарият ҳолларда кишиларнинг номлари билан аталаётганлиги, бир хилдаги номлар кўпайиб кетаётганлиги, номлар шаклан ноқулай ва узунлиги, маъно - мазмунини саёзлиги, мафкура ва қарашлар билан алоқадор бўлган номларнинг ҳали ҳам сақланиб келаётганлиги ва айниқса номларни тўғри ёзишда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар бу соҳада ҳали камчиликлар тўла бартараф қилинмаганлигидан далолат беради.

Цивилизациянинг ҳозирги босқичида географик объектларни кишилар шарафига номлаш номақбул принцип ҳисобланади. Аҳоли пунктлари, маҳалла-кўйларни ва бошқа объектларни кишиларнинг номлари билан аташ шу залда давом этаверса, орадан бир неча ўн йил ўтгандан сўнг топонимлар нуқул антропонимлардан иборат бўлиб қолади. Шундай салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун географик объектларни номлашда ягона илмий дастурлар яратилиши, умуман топонимиянинг илмий ва миллий асосга қурилиши кун тартибидаги муҳим масала ҳисобланади.

Топонимнинг бир формант асосида қайта-қайта такрорлиниши унинг мазмунини саёзлашишига олиб келиши мумкин. Туманнинг ҳар бир ҳудудида «янги» сўзи билан бошланадиган ўнлаб аҳоли пунктлари мавжуд. Масалан, **Янгиқишлоқ, Янгикент, Янгиравот, Янгибўстон, Янгидала, Янгиобод** каби жой номлари бор. Бу географик номларнинг адреслик функциясини бажаришда муайян чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Географик объектларга ном беришда яна бир масалага, яъни топонимнинг ички хусусиятига ҳам эътибор қаратилиши лозим. А.В.Суперанскаяни ёзишича, «яхши архитектор ўз асарини яратаётганда иморатнинг ички имкониятларини унинг ташқи тузилишига мос бўлиши учун ҳаракат қилганидек, географик ном танлаётганда ҳам худди шундай йўлни танлаш керак. Топонимда ҳам ортиқча, қалбаки ва кераксиз элементлар бўлмаслиги лозим, унинг ички тузилиши ташқи кўринишига ҳар доим мос бўлиши даркор.

Бу масалага Ҳ.Ҳасанов ҳам эътибор қаратган: «ҳар бир жой номининг икки томони бор: сирти ва ичи. Сиртдан қараганда ҳар бир ном атоқли от бўлиб кўринади. Аммо номнинг ички томони ҳам борки, уни кўриш учун «рентген»га солиш лозим, бу ном қаерда, нега шундай аталган, қайси тилдан олинган? Жойнинг бу ички хусусиятини ҳар ким билавермайди, у фақат татқиқотчига муяссар бўлади». Баъзан, жой номи ўз-ўзидан «гапириб» туради. Масалан, Тошкент - шаҳар, республика пойтахти, йирик саноат маркази, бу ойконимнинг сирти, ана шундан кейин жой номининг ички хусусиятларини, яъни

этимологиясини аниқлаш учун топонимикага мурожаат қилиш керак бўлади. Тошкент сўзининг луғавий маъноси географлар, филологлар, тарихчилар томонидан батафсил таҳлил қилинган.

Географик объектларнинг номлари (ойконим, этноним, гидроним, антропоним, ороним ва бошқалар) номинация принциплари жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. Кишилар томонидан табиий географик объектлар биринчи бўлиб номланганлиги аниқ, аммо тарихий манбаларда бошқа топонимларга нисбатан ойконимлар кўпроқ қайд қилинганлиги сабабли хронологик жиҳатдан уларни энг қадимий топонимлар деб ҳисоблаш мумкин. Табиий-географик объектларга нисбатан аҳоли пунктлари номларининг муҳимлигини жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Географик объектларга ном қўйиш шартларини Х.Ҳасанов қуйидагича кўрсатган: «биринчи шарти шуки, номнинг аниқ маъноси бўлиши, юз, икки юз йилдан кейин ҳам жаранглаб, маъноси англашилиб туриши лозим. Иккинчидан, номда камситиш аломатлари, уят ва дағал сўзлар бўлмаслиги керак. Учинчидан, қўйиладиган ном тилнинг грамматик қоидаларига мос келиши зарур. Тўртинчидан, бир хилдаги номлар кўпайиб кетмасин. Чунки бир вилоят, шаҳар ёки туманнинг ўзида бир хил ёзиладиган ном иккита бўлса, чалкашлик туғилади».

Ойконимлар муайян тарихий шароитнинг маҳсули, уларнинг пайдо бўлиши жамият ҳаёти ва ушбу ҳудуда яшовчи халқ тили билан чамбарчас боғлиқ. Э.М.Мурзаевнинг таъкидлашича, тарихий шароит, тил ва халқларнинг ўзгариши топонимлар ареалининг ўзгаришига олиб келган. Шу сабабдан ҳеч бир мамалакатнинг географик номларида бир хиллик кузатилмайди.

Ойконимлар муҳим ижтимоий функцияни ҳам бажаради, яъни жамиятнинг турли эҳтиёжларига хизмат қилади. Шу сабабдан уларни тартибга солиш, ёзилиш қоидаларини яратиш, миллий ва халқаро миқёсда стандартлаштириш, топонимлар номинациясини аниқлаш соҳа мутахассисларининг муҳим

вазифаси ҳисобланади. Ҳар қандай географик объект номи ёзилишининг расмий ва умумий истеъмол учун ягона шаклини аниқлаш ва қатъийлаштириш географик номларни стандартлаштиришнинг моҳияти ва вазифаси саналади. Жой номларининг миллий шакли уларни стандартлаштириш учун негиз бўлиб хизмат қилади. Бунинг маъноси шуки, мамлакат ичида расмий тан олинган номларгина халқаро истеъмол учун тавсия этилиши мумкин.

Аҳоли пунктлари номларини тартибга солиш, уларнинг ёзилиш шакллари қатъийлаштириш масаласи ҳеч қачон ҳозиргичалик долзарб бўлган эмас. Топонимлар матбуот саҳифаларида, илмий манбалардагина эмас, балки расмий ҳужжатларда, жумладан мукаммал топографик карталарда ҳам фақат рус тилида қайд қилиб келинган. Маҳаллий тилдан беҳабар топографлар ер-сув номларини аслиятидан анча узоқ шаклларда ёзиб қолдирганлар. Бу эса жой номларининг ёзилишини биратўла қатъийлатириш осон эмаслигини кўрсатади.

1.3. Топонимларнинг географик таснифлашнинг илмий асослари

Географик номларни классификациялашда олимлар орасида муштарак қараш мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳозирга қадар ягона, универсал, содда ва мантиқан тўғри классификация яратилмаган. Э.М.Мурзаев бу масалага эътибор қаратиб шундай деб ёзган: «Ҳар қандай давлат ёки ҳудудий бирликлар мураккаб, кўпқатламли тирик ва ўзгарувчан топонимия системасига эга бўлганлиги сабабли ҳар қандай талабга жавоб берадиган, ягона географик номлар классификациясини яратиш анча қийин ва ҳаттоки имкони йўқ масала».

Шу вақтга қадар топонимларнинг классификациялаш масалалари асосан тилшунослик нуқтаи - назаридан Ш.Қодированинг «Тошкент микротопонимиясининг номланиш принципларига доир»(1966), С.Қораевнинг «Географик номлар маъноси» (1978), З.Дўсимовнинг «Топонимлар таснифи масаласига доир» (1978), Н.Охуновнинг «Топонимлар ва уларнинг номланиш

хусусиятлари»(1989), К.Назаров ва Т.Эназаровларнинг «Жой номларини йиғиш сўроқлиги» (1995) каби асарларида қисман кўриб чиқилган.

Масалан, З.Дўсимов «Топонимлар таснифи масаласига доир» мақоласида классификациялаш асосан икки йўналишда, яъни топонимларни лексик-семантик ва граматик тузилишига кўра амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган. Олимнинг фикрича, татқиқотчи ўз олдига қўйган мақсади ва татқиқот йўналишига қараб топонимларни классификациялаши энг мақбул усулдир.

Географлардан илк бор, профессор Ҳ.Ҳасанов топонимларни «турларга ажратишда ҳар бир номни биринчи навбатда тил қоидалари нуқтаи назаридан ва шаклланиш босқичларига кўра таҳлил қилиш ўринли бўлур эди», деган фикрни баён қилган. Олим жой номларни бунёдга келишига қараб, шартли равишда қуйидаги турларга бўлиб кўрсатган: Жойнинг ҳолати, хосияти, ер юзаси ва иқлимига боғлиқ номлар; Гидронимлар; Ўсимлик ва ҳайвонларга боғлиқ номлар; Фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар; Ҳунар касбдан ва маъмуриятдан олинган номлар; Халқ, қабила ва уруғларга боғлиқ номлар; Шахсларнинг исм-фамилияларига қўйилган номлар; Афсонавий ва диний номлар; Ғаройиб номлар; Янги замон номлари.

Географик номларнинг ягона ҳаммабоп классификациясини яратишнинг душворлиги топонимика тилшунослик, тарих ва география оралиғидаги фан эканлигида бўлиши мумкин. Балки, шу боисдан ҳозиргача топонимларнинг ягона классификацияси яратилмаган, мавжудлари ҳам баъзан тилшунос топонимистларни қаноатлантирса, қолган тарихчи ва географларнинг эътирозига сабаб бўлади ёки аксинча, географ топонимистларга маъқул бўлса ҳам тилшунос топонимист ёки тарихчи топонимистларнинг эътирозларига сабаб бўлиши мумкин. Келажакда топонимика мустақил фан сифатида тўлиқ шакллангандан кейин топонимист олимлар томонидан жой номларининг универсал классификацияси яратилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Назаримизда, профессор Э.М.Мурзаевнинг классификацияси, яъни географик объектларнинг номланишига қараб классификациялаш энг оддий ва географ топонимистлар нуқтаи назаридан қиёсан энг мақбул усул ҳисобланади. Биз, **туман** топонимиясининг айрим ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги географик номларнинг семантик классификациясини таклиф этамиз ва у ҳам камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин.

1). **Оронимлар** - рельеф шакллари ва элементлари: *тоғлар, чўққилар, тепалик, плато, дўнглик, водий, дара, жарлик, пастлик, пастекислик, қумликлар* ва бошқаларнинг номлари.

2). **Гидронимлар** - барча сув объектларининг номлари: *денгиз, кўл, дарё, сой, жилга, булоқ, сув омбори, канал, қудуқ* ва бошқаларнинг номлари.

3). **Ойконимлар** - барча аҳоли пунктлари: *шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул, маҳалла* ва бошқаларнинг номлари.

Таклиф қилинаётган классификациянинг камчилик томонлари ҳам бор. Масалан, кўпчилик ҳолларда дарё ва сой, ҳовуз, қудуқ номлари ҳеч қандай ўзгаришсиз аҳоли пункти номига ўтиши мумкин **Осмонсой, Ҳовузбулоқ, Гумсой, Кориз, Эгизбулоқ, Узунқудуқ** ёки аксинча, оронимлар асосида қишлоқ номи пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин **Қўйтош, Қоратош, Кўтал, Ойқор, Тошқамар, Ғўбдин** кабилар шунга мисолдир.

1). **Оронимлар** (юнонча орос - «тоғ»)- тоғлар, тепаликлар, қирлар, сойликлар, даралар ва бошқа орографик объектларнинг номлари. Вилоят ҳудуди оронимларга бой эмас, у республика миқёсида ўртача мавқени эгаллайди. Ҳозирда мутахассисларнинг маълумотларига қараганда 200.000 масштаби топографик харитада вилоят ҳудудида 52 оронимик объект қайд қилинган.

Туман оронимларга бой бўлмаса ҳам улар билан боғлиқ сирли ва мўъжизали жой номлари кўп. Айниқса Нурота тоғлари мўъжизаларга бой. Бу ерда узокдан қўйлар шаклини эслатувчи “Тош қўйлар”, устунсимон пирамидалар (Бешбармоқ тоғи), “Сирли момотош” (Фориш тумани), жарангловчи тош ёки “Дўмбиратош” (Мойбулоқ қишлоғи) сингари табиат мўъжизалари бор. Молгузар

тоғларида номлари ғалати бўлган табиий обидалар кўп. Масалан, ”қирққиз қалъаси”, “Сават кўтарган келинлар”, “Куёвтош” каби тошлар шулар жумласидандир. Хусусан, Молгузар тоғларидаги **Вўралас** сойининг юқори қисмида жойлашган, табиат яратган **“қирққиз”** қалъаси республикамиздаги энг мураккаб тузилишга ва бой кўринишга эга бўлган нодир обида ҳисобланади. Келажакда, шундай сирли ва мўъжизали оронимик объектларни туристик маршрутлар қаторига киритиш мақсадга мувофиқ.

2). Гидронимлар (юнонча гидро–«сув»)- табиий ёки инсон томонидан яратилган ҳар қандай сув объектлари, яъни денгиз, кўл, дарё, сой, булоқ, сув омбори, канал, қудуқларнинг номлари. Топонимистлар гидронимларни энг қадимий топонимлар деб ҳисоблашади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Р.А.Агеевнинг «Кўл ва дарё номларининг келиб чиқиши» китобига сўз боши ёзган Э.М.Мурзаев шундай қайд қилган: «гидронимлар вақт эрозиясига кам дучор бўлади, қадимий, шу сабабдан асл шакли ва мазмунини тиклаш анча қийин бўлган топонимлар гуруҳига киради. Уларнинг бу хусусияти тарихчи, тилшунос ва географларда катта қизиқиш уйғотиб, уларга узоқ ўтмишга назар ташлаш имконини беради».

Туман топонимлари орасида гидронимлар алоҳида ўрин тутати. Уларнинг номланишида турли хил омиллар сабаб бўлган. Шу сабабдан гидронимлар қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш принципларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. қуйида гидронимларнинг номланишига сабаб бўлган омилларни кўриб чиқамиз:

1. Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар. Кўпинча бундай сув объектларининг (*ариқ, қудуқ, булоқ, канал* ва бошқ.) бунёд этилишига (қазилишига) раҳбарлик қилган шахслар номи билан аталган.

2. Ўсимлик ва ҳайвонлар номлари асосида пайдо бўлган гидрообъектлар, яъни сув объектларининг номланишида муайян бир ўсимлик ёки ҳайвон номлари асос қилиб олинган гидронимлар.

3. Ер қатламининг устки тузилиши, тупроқнинг таркибига кўра номланган гидрообъектлар. Бундай гидронимлар таркибида *қум, тош* сўзларини кўп учратиш мумкин.

4. Сувнинг ранг хусусиятига қараб номланган гидрообъектлар. Бу гидрообъектларнинг номланишида *оқ, қора, кўк, қизил* каби ранглар маъносидаги сўзлар кўпроқ учрайди..

Мутахассисларнинг фикрича, гидронимлар таркибида қўлланган ранглар турли маънони ифодалаши мумкин. Масалан, топонимист олим Н. Охуновнинг ёзишича, доимо оқиб турадиган, тоғдан, музликлардан келадиган қор сувлари билан тўйинган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқиш тусда бўлган, ичишга яроқли сувга нисбатан оқ сўзи ишлатилган ва улар – *оқсув, оқсой* деб номланган.

Тоғ этакларида, водийларда сизот сувларидан тўйинадиган, тиниқ қорамтир тусда, табиий ўзанида оқмайдиган, канал қазиб оқизилган сувларга нисбатан эса қора сўзи қўлланилиб - улар *қорасув, қорасой* номлари билан юритилган. **Кўксув, Кўкдарё** гидронимлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу хил гидрообъектларнинг кўлами чуқур, сувнинг оқиш суръати сокин, ранги шишадек кўм-кўк, ғоят тиниқ ва тоза бўлади. Гидрообъектларнинг номланишида қизил, сариқ, яшил каби ранглардан ҳам фойдаланилган.

5. Сувнинг ҳарорати, ҳиди ва маза-таъмига қараб номланган гидрообъектлар. Бундай гидронимларни номлашда кўпинча *совуқ, иссиқ, сассиқ, аччиқ, ширин, шўр* каби сўзлардан фойдаланилган.

6. Микдор, ҳажм ва сон-саноғига қараб номланган гидрообъектлар. Бундай номлар гидронимнинг микдорини, сон-саноғини ва ҳажмини белгилашга қаратилган. Кўпинча *икки, беш, олти, қирқ, юз, минг, гала, қўш, тўда* сўзларидан фойдаланиб гидронимлар ясалган.

7. Аҳоли пунктлари номлари билан аталадиган гидрообъектлар. туманимиз ҳудудида ойкогидронимлар асосан тоғли туманларда кўпроқ учрайди ва кўпинча сув объектларининг турини билдиради.

Айрим гидрообъектларнинг номланишига сувнинг секин дамланиб оқиши **Дамарик**, ёки тез, шариллаб **Шариллоқ**, **Шарилдоқсой** оқиши, оқимда ўз ўзанининг ўзгартириб туриши ҳам асос бўлиб хизмат қилган. Маълумки, дарё ҳар доим бир ўзандан оқмайди, муайян вақтдан кейин, ўзанини ўзгартириб туради. Мутахассисларнинг аниқлашича, Айдаркўлнинг ҳозирги ўрни, кайнозой эрасининг тўртламчи даври охирларида Сирдарёнинг ўзани бўлган. Шу сабабдан Айдаркўлнинг иккинчи номи сифатида баъзан қолган Сир бирикма-ном ишлатилади.

ҳам қишлоқ серҳаракат циклонлар йўлида жойлашган деган фикр ҳам мавжуд.

3). Ойконимлар (юнонча ойкос - «уй», «турар жой») - аҳоли яшайдиган ҳар қандай жойларнинг (*шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла*) номлари. Ойконимлар топонимиянинг энг ўзгарувчан қатлами ҳисобланади. туман табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса-воқеалар, аҳолининг касб-ҳунар номлари, аҳоли пунктига асос солган кишиларнинг исмлари, лақаблари, уруғ-қабилла номлари ва бошқалар ойконимларда ўз аксини топган. Ойконимлар барча топонимлар орасида тарихий, лисоний жиҳатдан энг қимматли ёдгорликлар саналади. Юқоридагиларни инобатга олиб, ойконимларни икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:

А) табиий ёки табиий - географик ойконимлар

Б) ижтимоий - иқтисодий ойконимлар

Ойконимларни табиий ёки табиий географик ойконимлар ва ижтимоий–иқтисодий ойконимларга бўлиш шартли ҳисобланади. Чунки, «аҳоли пунктлари ижтимоий - иқтисодий категориядир.

Шунинг учун ҳам шаҳар - қишлоқларнинг таркиб топиши, жойлашиши, аталиш қонуниятларини конкрет табиий, иқтисодий, ижтимоий, тарихий ва сиёсий шароит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга».

А) Табиий географик ойконимия деганда, келиб чиқиши сув объектларига, жойнинг геоморфологик шаклларига, ўсимлик-ҳайвон номларига ва бошқа табиий-географик шароитига қараб номланган аҳоли пунктлари тушунилади, уларни *гидроойконимлар*, *ороойконимлар*, *фитоойконимлар*, *зооойконимлар* кабиларга бўлиш мумкин.

а. *гидроойконимлар*, яъни сув объектларига қараб аталган аҳоли пунктлари. Бундай ойконимларни туманнинг ҳамма ҳудудларида учратиш мумкин, чунки аҳоли пунктлари сув бор жойда барпо этилади. қишлоқ ва шаҳарларнинг ариқ-сойлар билан аталиши ҳам шундан. *Сой, булоқ, ариқ, қудуқ, сув* каби индикатор терминлар туман аҳоли пунктлари номлари таркибида тез-тез такрорланиб туради.

б. *ороойконимлар*, яъни рельеф шакллари номларини билдирадиган ойконимлар таркибида *адир, бел, жар, камар, тепа, кўтал, тош, тоғ, қир, қум* каби индикатор терминлар қайд қилинади. туман ҳудудида тош, тепа, адир ва хусусан жар терминлари иштирокида пайдо бўлган ороойконимлар талайгина топилади.

в. *фитоойконимлар*, яъни ўсимлик номлари билан аталган ойконимлар таркибида ёввойи (*ажриқ, бодом, дўлана, лола, шилви, жингил, янтоқ, қамиш* ва ҳоказо) ва маданий (*анжир, беда, арпа, олма, пахта, терак, тол, тут, писта* ва ҳоказо) ўсимликларнинг номлари учрайди.

Туман ҳудудида фитоойконимлар унча кўп эмас ва бу албатта тушунарли, чунки аҳолиси асосан қишлоқ хўжалигида банд бўлган жойларда фитоойконимларнинг кам бўлиши табиий. Топонимистлар ҳар қандай маданий ўсимликлардан ном олган аҳоли пунктларини фитоойконимлар жумласига киритади. Бу унчалик тўғри эмас, чунки маданий ўсимликлар, турли экинлар ва дарахт - буталар деҳқончилик ҳамда боғдорчилик манбаи бўлиб, иқтисодий географиянинг объекти ҳисобланиши лозим.

г. *зооойконимлар*, яъни ҳайвон номлари билан аталган аҳоли пунктлари. Зооойконимларни фарқлашнинг қийинлиги шундаки, бир қанча уруғ - аймоқ

вакиллари фалон ҳайвонлардан тарқалганмиз деб, уларни муқаддас билишган. Бу топонимик ҳодиса «тотем» деб аталади. Узоқ ўтмишда инсонлар ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлганини инобатга олсак, табиий географик номлар илгарилари ҳозиргига нисбатан катта ўрин тутганлигини тасаввур қилиш мумкин. Гап шундаки, зооойконимлар чиндан ҳам бирон ҳайвон тури номи билан аталганини тўла ишонч билан аниқлаш қийин, чунки ҳар қандай ҳайвон номи бошқа кўчма маънода қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Фориш туманидаги Жайрахона қишлоғига кўчма маънода шундай ном берилганми ёки ҳақиқатдан ҳам жайралар ин қурган жой бўлганлигини аниқлаш осон эмас.

Б) Кишиларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий –иқтисодий ойконимлар деганда аҳолининг ўзи ва унинг хўжалик ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган аҳоли пунктларининг номлари тушунилади ва улар *антропоойконимлар, этноойконимлар, хўжалик фаолиятни акс этадиган ойконимлар, неоойконимлар* каби турларга бўлиш мумкин.

а. *антропоойконимлар* (юнонча антропос-«одам»)- киши исмлари ва фамилиялари, лақаб ва тахаллусларидан юзага келган ойконимлар. Киши исмларининг ойконимларга ўтиши хусусий мулкчилик, янги ерларни ўзлаштириш, янги қўрғонлар қуриш каби ижтимоий воқелик билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда антропоойконимларни туманнинг ҳар бир қишлоқ топонимиясидан топиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, ўтмишда Ўзбекистонда, жумладан ўрганилаётган ҳудудда ҳам маълум - машҳур кишиларнинг номларини шаҳар - қишлоқларга қўйиш расм бўлмаган, аксинча шоирлар, олимлар ўзлари туғилиб ўсган жойларнинг номларини кўпинча ўзларига нисба қилиб олиб, жонажон ўлкаларини дунёга машҳур қилганлар.

Собиқ Иттифоқ даврида аҳоли пунктларини киши номлари билан аташ кенг расм бўлган. Мустақилликдан кейин ана шундай мемориал номлар тобора камайиб бормокда ва бу мақсадга мувофиқ, туман ҳудудидаги мавжуд антропоойконимлар орасида шу ерга биринчи бўлиб қўчиб келган ёки шу

қишлоққа асос солган кишиларнинг (Абдукарим, Дўснат, Шодмон, Эшматовул, Мелиобод, Йўлдошбой) номлари ҳам ойконимларда муҳрланиб қолган.

Антропоойконимлар моделининг грамматик жиҳатдан ўзбек тилига мос, энг тўғри ва мукамал типи антропоним ҳамда географик терминдан (Салим, Хўжа-Хасан, Ҳайдаробод, Искандаробод, Ҳамзаобод) иборат бўлганидир. туман топонимиясининг энг устки стратиграфик қатлами антропоойконимларнинг кўплиги билан ажралиб туради.

б. *этноойконимлар* (юнонча этнос- «халқ»)- эл, қабила, уруғ номлари билан аталган аҳоли пунктлари. туман жой номлари таркибида улар катта ўрин эгаллайди, ҳамда узоқ тарихий даврнинг ёдгорлиги сифатида, маълум халқнинг тарихини, этник гуруҳнинг тарқалиш ареалини аниқлашда муҳим манба ҳисобланади. Этноним ва этнотопонимлар тўғрисида кейинги бобда тўлароқ маълумот берилганлиги сабабли этноойконимларга камроқ тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

в. *хўжалик фаолиятни акс этадиган ойконимлар*, яъни кишиларнинг хўжалик фаолияти, меҳнат тақсимотини кўрсатадиган қадимги касб-ҳунар номлари билан боғлиқ аҳоли пунктлари номлари. туман ҳудудида аҳолининг касб-кори билан боғлиқ бўлган ойконимлар қадимдан бўлган ва ҳозир ҳам бор. Ҳунармандлар кўпинча шаҳарларда фаолият кўрсатганликлари учун касб-ҳунар номлари ҳам шаҳар топонимиясининг таркибида кўпроқ учрайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтмишда шаҳар мақомига эришиш учун ўттиз иккита касб-кор, ҳунар тури бўлиши талаб қилинган. Ҳунар соҳиблари ишлаган ва яшаган жойларида дўконлари, расталари бўлган. Гузар ва маҳаллалар, баъзан қишлоқ касб-ҳунар номи билан аталган. Касб-ҳунар номи ўзбекча, форс-тожикча сўзлар билан юритилган ва икки хил вазифа бажарган: касб ва косиблик номи ҳамда яшаган гузари, маҳалласи, қишлоғи номи. Касб-ҳунар турлари ўзгарганда ҳам жой номи тарихий далил ва маънавий ёдгорлик сифатида муҳрланиб қолган.

Келажакда касб-ҳунар турлари янада кўпайиб туман жой номларини бойитиши табиий. Шарқда маҳалла, кўча, гузар, бозорларни касб-ҳунар номлари билан аташ қадимий қадриятлардан саналган ва у замонавий қадриятга айланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Г. *неоойконимлар* (юнонча нео-«янги»)- мустақиллик йилларида пайдо бўлган қишлоқ ва шаҳар номлари. 3.Дўсимовнинг таъкидлашича, «неотопонимлар ўзининг йўналиши, ғояси ва ифодаланиши жиҳатидан республикамизнинг ҳамма ерида ҳамоҳангдир».Мустақиллик йилларида пайдо бўлган қишлоқ ва шаҳарлар ва уларга берилган номлар ўзининг мазмун-моҳияти ва жозибadorлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Н.Охунов қайд қилгандек «улар жасур халқимизнинг босиб ўтган шарафли йўли, фаровон турмуши, тинчлик учун кураши, турли соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятлари маҳсули сифатида пайдо бўлган». Неоойконимлар орасида халқимизнинг муносиб турмушини, бахтли ҳаётини, орзу-истакларини, дўстлик ва ҳамкорликни ёки халқимизнинг ҳаётида юз берган муҳим тарихий воқеа ва саналарни белгиловчи номларни кўриш мумкин.

Географик номларни классификациялаш ҳудудий топонимик тадқиқотларда катта амалий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, туман географик объектларининг номланишига асосланган классификация илк бор амалга оширилди. Чунки, ҳар қандай илмий тадқиқотда тўпланган маълумотлар маълум даражада системага солишни талаб қилади. Бу классификациянинг талабга нақадар жавоб бериши мутахассисларнинг эътиборига ҳавола. Шубҳасиз, «ҳар қандай топонимлар классификациясида, авваламбор, диалектик қонуният — шакл ва мазмун яхлитлиги ҳисобга олиниши ва шаклдан мазмунга қараб борилиши мақсадга мувофиқ».

2-БОБ. ҚУВА ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИ

ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. Кува тумани топонимияси шаклланишига таъси этувчи географик шароитлар

Кува туманининг умумий майдони 26 минг квадрат километр бўлган Фарғона водийси Тянь-Шань тоғлар системасидаги улкан тектоник чукма ҳисобланади. Водийнинг ер юзаси тоғ дарёларининг конус ёйилмалари ва Сирдарё ҳосил қилган текисликлардан таркиб топган.

Тадқиқот ҳудуди жойлашган Кува тумани ўзининг жанубий қисмида Кува адирларидан ва адир олди қия текисликларидан, марказий ва шимолий қисмида Қувасой конуси ёйилмасидан, гарбий қисмида конуслар оралиги пасткамликларидан иборат. Кува тумани Фарғона туманининг энг шарқий қисми ҳисобланади. Туманнинг асосий текислик қисми Қувасой даресининг ётқизикларидан таркиб топган. Қувасой дарёси Исфайрам даресининг ўнг тармоғи бўлиб, унинг сувлари сугоришга тула сарфланади.

Кува тумани ҳудуди жануб томонда Қирғизистон Республикаси ва Қувасой шаҳрига қарашли ерлар билан, шарқ ва шимолий-шарқда Андижон тумани, гарб ва шимол томонларда Фарғона ва Тошлок туманлари билан чегарадош. Туман маркази Кува шаҳри бўлиб, у Фарғона шаҳридан 30 км шарқда жойлашган. Фарғона - Андижон автомагистрал йўли шаҳарни кесиб утади. Шаҳрдан Шаҳрихонга ва Марҳаматга олиб борадиган автойўллар бошланади.

Кува туманининг умумий майдони 41527 гектарга тенг. 33222 гектар майдонда суғориладиган дехдончилик қилинади. Бир вақтлар шурхоқ ва қучли шурланган тупроқлардан иборат бўлган туманнинг шимолий периферия қисми ҳозирда тула ўзлаштирилиб, экин майдонларига

айлантирилган. Қува адирларига ҳам насос воситасида сув чиқарилиб каттагина қисми боғлар ва бошқа экинлар учун ўзлаштирилган. Қува мебел, кандоланчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш саноати ва ҳ.к. ривожланган.

Қува тумани эллипс қурилишида бўлган Фарғона водийсининг шарқий қисмида, унинг қуриқ, субторпик ярим чуллар тупроқ иклимий минтақасида жойлашган. Фарғона водийсининг иклим шароитларига унинг орографик ҳолатини кучли таъсир қилади. Водийнинг ҳамма томондан тоғлар билан урилиб туриши ва фақат ғарбда тор йўлак - Хужанд дарвазаси орқали Мирзачул кенгликларига уланиши унинг иклим хусусиятларини белгилайди. Қува тумани водийнинг бир қисми сифатида унинг иклим хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Таdqикот ҳудуди ва умуман Шарқий Фарғонанинг иклими "Федченко" ва "Фарғона" метеорологик станцияларнинг маълумотлари билан ҳарактерланади. "Федченко" метеостанцияси Қува туманининг марказий қисмида - Қувасой конус ёйилмасининг перифериясида, туман пахтачилик тажриба станциясининг ҳудудида жойлашган. Қуш йиллик ўртача метеорологик кўрсаткичлар 1 ва 2-жадвалларда, тажриба утказилган йиллар-нинг метеомаълумотлари 3-жадвалда келтирилган. Ҳаво ҳароратининг 10°C дан юқори бўлиш даври 25-26 мартадан бошланади ва 25-26 октябрғача давом этади. Совуксиз кунлар узунлиги ўртача 213 кун бўлиб, йиллар давомида 212-218 кун оралиғида узғариб туради. Ҳавонинг 10°C дан юқори бўлган даври ҳароратлари йигиндиси 4410-4440 ° ни, самарали ҳароратлар йигиндиси эса 2200-2400°C ни ташкил қилади. Тупроқнинг мўзлаши мумкин бўлган даври 15-17 октябрдан 2-7 апрелғача давом этади

1 -жадвал

Иссик ва совук кунлар ҳақида маълумот

Метеостанция	Хаво ҳарорати 10 С дан ортиқ бўлган давр		Давомий -лиги	10 С дан юқори ҳарорат йигиндиси	Тупроқнинг мўзлаш даври	
	Бошла нади	тугайди			Бошла нади	тугайди
Федченко	26.03	26.10	213	4410	15.10	02.04
Фарғона	25.03	25.10	213	4440	17.10	07.04

Хавонинг куп йиллик ўртача ҳарорати айтилган метеостанцияларнинг маълумотлари бўйича 12,4-12,7 °С га тенг. Энг совук ой январ бўлиб, унинг ўртача ҳарорати "Фарғона" метеостанцияси бўйича - 3,2 °С ва "Федченко" бўйича - 2,4 °С га тенг. Энг иссик ой июль бўлиб, унинг ўртача ойлик ҳарорати 24,8 °С дан 27,6 °С гача. Хавонинг энг паст минимал ҳарорати - 27-29, °С, энг юқори - мақсисал ҳарорати эса + 42+46 °С га тенг.

Йиллик ёгин миқдори 172-202 мм ораллигида узғариб туради. унинг катта қисми киш ва баҳор ойларида ёғади. Ёз ва куз ойлари кам булутли ва курик булиши билан фаркланади. Ёгинлар миқдорининг кам булиши бу ҳудудда лалми деҳқончилик юритишга имкон бермайди.

Хавонинг нисбий намлиги ёз даврида 44-60 %-ни ташкил қилади, киш фаслида 85-87 %-гача кўтарилади. Бугланиш ёгинлар миқдориға нисбатан куп, унинг йиллик миқдори хавонинг иссик ва курик булиши сабабли 1200-1500 м-ға етади.

Водийнинг гарбий қисмида тез-тез эсадиган кучли шамоллар тадқиқот тумани ҳудудида камдан кам булади, уларнинг кучли ҳам нисбатан кам. Шамолли кунлар сони йил давомида "Федченко" метеостанцияси бўйича 5,8-ға тенг, киш ойларида кучли шамоллар деярли эсмайди. Уларнинг асосий қисми баҳор ойлариға тўғри келади.

Тадқиқот утказилган 2007-2008 йилларнинг "Федченко" метеорологик станцияси бўйича оби-хаво кўрсаткичлари 3-жадвалда берилган.

М.С. Сиддиков (1976) бўйича, Фарғона водийсида рельефнинг эрозион-аккумулятивли, аккумулятивли ва эол-аккумулятивли учта генетик типи учрайди.

Водийнинг конус ёйилмаларидан таркиб топган тоғ олди қия текисликлари биринчи типни ташкил қилади. Иккинчи тип Сирдарёнинг замонавий ва кадимий супаларидан таркиб топган. Бу типга ёйилмалар оралиги пасткамликлари ҳам киради. Иккинчи типга кирган ҳудудларнинг юзаси жуда текис, умумий кучсиз нишоблик шимол-шимолий-ғарб йўналишида бўлиб, киймати 0,0005-0,007 га тенг. Марказий Фарғонада кенг тарқалган кумли даҳ, алар эол-аккумулятив рельеф типини — учинчи типни ташкил қилади. Бу тип учун барханлар, кумли уюлмалар, кум тепа қаторлари ҳарактерли. Ҳрзирги вақтда уларнинг аксарияти мустаҳкамланган. Текислик кумлари эса ҳамма жойларда ўзлаштирилган.

Қува тумани геоморфология нуқтаи назаридан Қува-Полвонтош адирлари тизими ва Қувасой тоғ дарёси конус ёйилмасида жойлашган. Адирлар тизимининг литологик тузилишида тош, шагал, кум ва конгломерат каби доғлар жинслар иштирок этади. Адирлар юзаси курик сув йўллари, сойликлар, жарлар ва бошқалар билан кескин бўлинган, нишоблик даражаси катта. Бу ҳудудда эрозия жараёнлари кучли ривожланган. Тупроқ ва тупроқ таги жинслари кесимида катта миқдордаги гипснинг булиши ҳудудда карст ҳодисасининг ривожланишига сабаб бўлган. Шу сабабдан куралар, упконлар, упирилишлар куп учрайди.

Кучзасой конус ёйилмасининг юзаси умумий текислиги билан ажралиб туради. конус ёйилмасининг юқори қисми денгиз сатҳидан 520 м баландлик-ка эга, энг паст қисмининг баландлиги эса 469 м абсолют баландликка эга. Қувасой Жанубий Фарғонанинг бошқа тоғ дарёлари каби дарадан чиқиб радиал йўналишидаги майда мойликларга булиниб окдан. Улар узанларини узгартириб тўрган. Натижада узанлар буйлаб анча кенг радиал ясси тубли пасткамликлар ва улар ўртасида ясси юзали радиал

нисбий баландликлар шакл топган. Радиал чўзилган ясси юзали баландликлар ва пасткамликлар конус ёйилмасининг ўрта қисмида яхши ифодаланган. Улар ёйилманинг перифериясига утгач аста-секин текисланиб, билинмай қолади ва секинлик билан конуслар оралиги текислигига кушилиб кетади. Радиал йўналиши бундай ясси пасткамлик ва баландликлар ҳозирда конус ёйилмасининг ўрта қисмида ҳам сугориш таъсирида нивелирлашган.

Конус ёйилмасининг юқри қисмида нишоблик 0,03-га тенг, шимолий-ғарб йўналишида нишоблик аста-секин камаяди ва ҳудуд юзаси деярли ясси текислик куринишини олади. Сугориш шахобчалари, каналлар ва коллектор-зовурлар тури жуда ривожланган бўлиб, рельефнинг умумий текис ҳолатини бўзиб туради.

Тупроқ пайдо килувчи говак холдаги тоғ жинслари нураш маҳсулотларининг уз урнида қолиб тувланиши ёки сув, шамол каби омиллар таъсирида қайта ётқизилиши натижасида юзага келади. Тупроқ пайдо килувчи жинслар ҳосил булиш шароитларига кура элювиал, делювиал, пролювиал, аллювиал, денгиз ва кул, музлик ва шамол ётқизиклар кизиклари каби гуруҳларига булинади. Ётқизиклар кум, кумлок, кумок ва соз каби турли жинслардан иборат булиши мумкин. Улар калин қатламлар ёки юпка каватчалар шаклида учраши мумкин.

Кува туманининг юқори адирлар тизимида элювий, ёнбагирликларнинг этакларида делювий, адирлар орлиги пасткамликлари ва адир олди текисликларида пролювий ётқизиклари тупроқ ҳосил килувчи жинслар вазифасини бажаради. Конус ёйилмасида эса пролювиал ва аллювиал-пролювиал ётқизиклар тупроқ; ҳосил килувчи жинслар ҳисобланади. Перифериянинг шимолида кумлар кенг таркалган. Тупроқ; ҳрсил қилиши мумкин бўлган ётқизиклар вақтинча оқар сувларнинг, дарёларнинг ташлама сувларнинг ва шимолнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган. Ётқизиклар ичида кум, кумлок каватчали турли кумок ва гил жинслар куп таркалган.

Кува туманида сизот сувлари ер юзасига жуда якин жойлашган жойлар ҳам, катта чуқурда бўлган майдонлар ҳам учрайди. Минерализациясига кура чуқур сувлар ҳам, шур сувлар ҳам бор. Шунга кура IQ/ва тумани худуди гидрогеология жиҳдидан мураккаб объект ҳисобланади. Туманнинг адирлар қисмида сизот сувлари катта чуқурликда ётади ва тупроқ пайдо бўлиш жараёнида иштирок этмайди. Адир олди текисликларида сизот сувлари сатҳи 3-5 м ва ундан чуқурда жойлашган. Туманнинг Кувасой конус ёйилмасидан иборат асосий қисмида сизот сувлари сатҳи 1 -3 м чуқурликда жойлашган ва сизот сувлари майдоний тиркалма (сатҳнинг ер юзасига майдоний яқинлашиши) ва қайта таксимланиш ёки тургун минтақасини ҳосил қилган. Сизот сувларининг бу минтакаларга гипсометрик юқори ландшафтлардан оқиб келиши, шунингдек ҳудуд ичидан оқиб чиқиб кетиши ҳам кийин. Бунга сабаб ҳудуднинг литологик тузилиши бўлиб, турли жинсларнинг қўп қатламлиги ва улар таркибида, айниқса тупроқ кесмасининг қўйи қисмларида оғир механик таркибли жинсларнинг - оғир кўмок ва гилларнинг қўплигидир. Литологиянинг бундай тузилиши сизот сувлари оқимида кескин сусайтиради. Сизот сувлари табиий ҳолда бугланиш ва транспирацияга сарф бўлади. Улар сув мувозанатининг сарф қисмида тула устуворлик қилади. Сугориб дехкончилик қилинадиган шароитларда эса сизот сувлари сатҳи коллектор-зовурлар тури воситасида бошқарилади. Бундай сизот сувлари мувозанати манфий бўлиб, унинг сарф қисмида ҳудуддан олиб чиқилаётган сув устуворлик қилади. ҳудудга оқиб келаётган сув ҳажмига нисбатан оқиб чиқиб кетаётган сув ҳажми қўп бўлади.

Тадиқот туманида сизот сувлари сатҳи 0,5 м-дан 5 м чуқурликкача, ҳудуднинг юқури қисмларида эса ундан ҳам чуқурда жойлашган. Сизот сувларининг минераллашганлик даражаси ҳдр литр сувга 0,5 граммдан 10,8 граммгача тўғри келади. Сизот сувларининг кимёвий таркиби улар чўчук бўлганда гидрокарбонатлидан кўчсиз минераллашганда гидрокарбонат -

сульфатли ва ўрта ҳдмда кучли минераллашганда сульфатли типгача узгаради.

Қува туманида суғориладиган ерларнинг соф майдони (нетто) 25280 гектар бўлиб, шундан сизот сувларининг сатҳи 1 метр чуқургача бўлган ерлар майдони 194 гектарни, 1-2 метр оралигида бўлган ерлар 12212 гектарни, 2-3 метр ўртасида бўлган жойлар 4399 гектарни, 3-5 м - 1564 гектар ва сувлари 5 м-дан чуқурда бўлган ерлар майдони 6911 гектарни ташкил қилади. Сизот сувларининг минераллашганлик даражаси 1 грамм/литргача бўлган ерлар майдони 10140 гектарга, 1-3 грамм/литр минерализацияга эга бўлган сувли ерлар 14598 гектарга, 3-5 грамм/литрли ерлар - 497 гектарга ва сувлари 5-10 гармм-литр эриган тузга эга бўлган ерлар майдони 90 гектарга тенг.

Юкрида тавсифи берилган гидрогеологик ҳолат инсоннинг ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўналишида амалга оширган тадбирлари -коллектор-зовурлар турини куриш ва кучайтириш, шур ювиш, ювадиган суғориш тартиботини қуллаш ва шу кабиларни қуллаш натижаси ҳисобланади.

Қува тумани тупроқ-иклимий минтакавийлиги бўйича 3-та тупроқ-иклимий минтакада жойлашган. Тупроқ ҳосил булиши омилларининг баландлик ортиши билан юз берадиган ўзгаришлари яъни иклим, геоморфологик, геолого-литологик тузилиш, гидрогеологик ва бошка омилларнинг фарклари минтакавий ва минтака ичи тупроқ типларини шакллантирди.

Туманнинг жанубий юкори қисми типик бўз тупроқлар минтакачасида, адирлар ва тоғ олди текисликлари, конуссимон ёйилманинг юкори шагалли қисми ва ўрта майда жинсли қисми оч бўз тусли тупроқлар минтакачасида жойлашган. Конус ёйилмаси перифериясининг шимолий қисми чул минтакасига мансуб.

Конус ёйилмасининг ўрта ва периферия қисмлари саз тартиботидаги утлоки ва боткок-утлоки тупроқлар билан банд. Сизот сувлари сатҳи 3-5 м чуқурда жойлашган ерларда бўз-утлоки тупроқлар, 1-3 м чуқурда бўлган жойларда утлоки тупроқлар ва 1 м-дан юқорида бўлган доллар да ҳамда 1-1,5 м чуқурда бўлган жойларнинг куп қисмида боткок-утлоки тупроқлар ривожланган.

Туман ҳудудининг катта қисми суғориладиган. Ерларнинг суғорилиш узоклигига кура эскидан суғориладиган ва янгидан суғориладиган тупроқларга булинади. Ўзбекистон ФА-сининг тупроқшунослик ва агрокимё институтида ишлаб чиқилган таснифга кура бу тупроқлар вохд тупроқлари ва унинг типчалари сифатида ажратилган. Маданийлашганлик даражасига кура тупроқлар кучсиз ва ўртача маданийлашган.

Кува туманининг тупроқ ҳаритасида механик таркибга кура кумлокли, турли кумокли ва созли тупроқлар айирмалари ажратилган. Тупроқлар шурланиш даражасига кура шурланмаган, кучсиз, ўртача ва кучли даражада шурланган.

2.2.Туман топонимларининг лингво- географик хусусиятлари

Кува тумани ойконимларининг лингво-географик таҳлили деганда, туман топонимиясининг таркибий қисми ҳисобланган ҳозирги аҳоли пунктлари номларининг шаклланиши, тараққиёти, қайси халқлар тили асосида ташкил топганлиги, мавжуд топонимик қатламларнинг ўзаро таъсири, уларнинг ҳудудий жойлашуви каби масалаларнинг талқини тушунилади. Туман ойконимларининг лингво-географик қатламлари ҳозирга қадар аниқланмаган ва илмий жиҳатдан мукамал тадқиқот объекти бўлган эмас. Бу эса, ҳудуд ойконимларининг тарихий тараққиёти ва лингво-географик қатламларининг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилишнинг анча долзарб масала

эканлигидан далолат беради. Минтақа халқларининг кўп асрлик ижтимоий турмуши, тарихий тараққиёти жой номларида ҳам ўз аксини топган. Улар орасида кўпчилик учун маъноси ноаниқ географик номлардан тортиб, яқинларда пайдо бўлган янги топонимларни учратиш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳоли пунктлари номлари одатда улар қад кўтарган ҳудуд ёки теварак-атрофнинг айрим табиий хусусиятлари ёки маҳаллий аҳолиси ва унинг машғулоти, баъзан эса турар жойларнинг сони ва сифатларига қараб нисбат берилган. Уларнинг маъноси, қайси тилга оидлиги ҳақида қанча фикрлар билдирилган бўлса ҳам келиб чиқиши узил-кесил ҳал қилинмаган. Шунинг учун ҳам шаҳар-қишлоқларнинг таркиб топиши, жойлашиши, аталиш қонуниятларини конкрет табиий-тарихий ва сиёсий-иқтисодий шароит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Минтақа жой номларининг дастлабки шаклланиш жараёни анча қадимий даврларга бориб тақалади, аммо улар аҳоли миграцияси, давлатлар ва тузумларнинг ўзгариши каби ижтимоий-тарихий омиллар натижасида унутилган ёки алмашиб кетган. қадимий географик номларнинг келиб чиқишини аниқлаш учун ҳамма вақт ҳам илмий манбалар топилавермайди. Шу сабабдан географик номнинг асл моҳиятини очиб бериш учун олимлар бир неча усулни қўллашни маъқул топганлар. Улар орасида энг муҳими географик номларни тарихий таҳлил қилиш усули ҳисобланади. Бу усул ёрдамида географик номларнинг эволюциясини, трансформациясини ва янги ном пайдо бўлишига сабаб бўлган ижтимоий муҳитни аниқлаш мумкин. Масалан, топонимик тадқиқотларда кўпинча тарихий усулни қўллаш тарафдори бўлган рус олими А.И.Попов ўз илмий ишларида шундай деб ёзган: «аниқ тарихий манба ва тарихий шароитдан хабардор бўлмасдан туриб, географик номнинг келиб чиқиши тўғрисида хатосиз бирон фикр айтиш қийин».

Географик ном қанча қадимий бўлса у шунча тушунарсиз, маъносини мутахассисларгина билишади, уни таҳлил қилиш анча мураккаб, шунинг учун ҳам у қимматли сўз ҳисобланади. Жой номлари аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлиб, келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини унинг географик номларида ҳам кўриш мумкин. Шу сабабдан, жой номларини тарихий пайдо бўлиш даври билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Албатта, ҳар бир тарихий давр жой номларининг муайян қатламини ҳосил қилган, аниқроғи ҳар бир қатламнинг жой номларида ўзига хос «изи, тамғаси» мавжуд. Географик номлар таркибидаги мавжуд лингво-географик қатламни Жиззах вилояти ойконимлари мисолида ҳам таҳлил қилиб кўриш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоятнинг энг қадимий жой номлари ҳозиргача номаълум. Жой номларининг қадимийлиги нисбий характерга эга эканлигини инобатга олсак, бу фикр янада ойдинлашади.

Бу жараён нафақат минтақа жой номларига, балки барча халқлар, мамлакатларнинг жой номлари системасига хос ва муштарак хусусиятдир. Шу сабабдан, рус топонимисти В.А.Никонов энг қадимги жой номлари ҳанузгача номаълумлигича қолмоқда, деган. Туманнинг этник харитаси ўтмишда анча ранг-баранг ва мураккаб бўлган, қадимда минтақада ҳаёт кечирган ҳар бир элат, халқ ўз тилларида жой номлари яратганлар. Туман топонимиясининг ҳозиргача аниқланган лингво-географик қатламларини қуйидаги жадвалдан

ҳам кўриш мумкин:

2-жадвал

	ТАРИХИЙ ҚАТЛАМЛАР	<i>Аҳоли пунктлари номлари</i>
1	СУҒДИЙ	Кайкубод, Мик, Муғон, Порашт, Новқа, Нушкент, Андагин, Варқин, Пишағар.

2	ФОРСИЙ	Дуоба, Тагоб, Танги, Сангзор, Гараша, Чорбоғ, Наврўз, Жўлангар.
3	ТУРКИЙ	Қўшкечув, Қорасой, Ўртақишлоқ, Ёйилма, Эгизбулоқ, Туёкли, қирқ, Болғали, Калтатой, Минг.
4	<i>Араб</i>	Аламли, қобилмозор, Талли, Сўфимозор, Жума, Мавтан, Авлиё, Равот, Хулкар.
5	МЎҒУЛ	Тўқай, Ёмчи, Сайхан, Кўтал, Жалойир, Мўғол, Сарой, Найман, қўриқ, Довон.
6	Собиқ Иттифоқ даври топонимлари	Зарбдор, Бирлашган, Иттифоқ, Ульяново, Октябрь, Партсъезд, Коммунизм, Социализм.
7	Мустақиллик топонимлари	Истиқлол, Нурафшон, Истиқбол, Бахтли, Мустақиллик, Бунёдкор, Янгитурмуш.

Тадқиқотлар давомида аниқланишича, юнон истилоси воҳа топонимиясида из қолдирмаган. Юнон тилидан ўзлашган номлар тез орада унутилган ёки аввалги жой номлари қайта тикланган. Македониялик фотиҳ Искандар Зулқарнайн (мил. ав. 356, Пелла - 323, Бобил) номи билан боғлиқ турли хил ривоятлар кўп. Бу эса, Искандар (Александрнинг арабча шакли) номи билан боғлиқ топонимларнинг этимологиясини аниқлашни анча қийинлаштиради. Масалан, Янгиобод туманида узоқ тарихга эга **Искандар** номли қадимий қишлоқ бор. Бу тарихий қишлоқ машҳур саркарда Искандар Зулқарнайн номи билан аталган бўлиши ҳам мумкин.

Маҳаллий халқ орасида Искандар Уструшонага юриш қилиб катта талафот кўрган ва шу қишлоқда яраланган аскарларини қолдириб даволаган, деган ривоят бор. Унинг кўшинларига маҳаллий халқ қаттиқ қаршилик кўрсатган ва у бундан жиддий хавотирга тушган, Птолемейнинг ёзишича, Александр асир олинган уструшоналикларни ўз жангчиларига бўлиб бериб, то

бу мамлакатдан чиқиб кетмагунларича уларни занжирбанд ҳолда сақлашни топширган.

Искандар топонимининг этимологиясига оид яна бир талқин тожик топонимисти А.Ғафуровга тегишли. Олимнинг фикрича, қишлоқнинг ҳозирги номи қадимий сўғд тилидаги исқодар сўзидан олинган ва «баланд», «юқори» деган маънони беради; бу фикр қишлоқнинг географик жойлашишига ҳам мос келади. Ҳозирги тилда тушунарсиз бўлиб қолган исқодар сўзи, кейинчалик вақт ўтиши билан маҳаллий халқ талаффузида нисбатан тушунарли бўлган Искандар сўзига айланган.

Қува– туман номи. Дастлаб «Худуд ал-олам» да сўнгра, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида Куба шаклида қайд қилинган. Ўрта асрларда Қува алоҳида вилоят пойтахти бўлган ва Фарғонада Ахсикатдан сўнг иккинчи шаҳар ҳисобланган. Этимологияси аниқ эмас. Лекин Куба деган этноним бўлган. Масалан, XIX асрнинг 50-йилларида Оренбург атрофларида Куба номли қипчоқ уруғи қайд этилган. Қирғизларнинг черик қабиласида ҳам куба деган йирик уруғ бўлган

Масалан, Қува туманида **Савот** деган тарихий ойконим бор. Академик А.Р.Муҳаммаджоновнинг ёзишича, Уструшонанинг Себат рустокида Буюк Ипак йўли уч тармоққа (Шош, Фарғона, Уструшона тармоқларига) бўлиниб кетган. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида биттадан работ - карвонсарой мавжуд бўлган ва Себат (се-уч, бат - работнинг қисқарган шакли) «уч работ» маъносини беради. Себат маҳаллий халқ талаффузида Сабот, Савот бўлиб ўзгарган. Ўрта асрларнинг арабийнавис географлари Муқаддасий, Ибн Ҳавқал, Истахрий асарларида ҳам қишлоқ тўғрисида маълумотлар мавжуд ва унинг катта карвон йўли устида жойлашганлиги таъкидланган. қулай географик ўрнига эга бўлган Себатда ўрта асрларда Уструшонадаги ягона машҳур ёпиқ бозор бўлган. Демак, Савот - аслида Себат бўлиб «уч работ», «уч карвонсарой» деган маънони ифодалайди.

Иккинчи қатламга форс-тожик тилига хос бўлган географик номларни киритиш мумкин. Бундай ойконимлар вилоят ҳудудида анча кенг тарқалган, уларни топиш ва этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш қийин эмас. Кўпчилик географик номларнинг маъносини ўзбек ва тожик тиллари ёрдамида тушунса бўлади. **Жўлангар, Дуоба, Заргар, Тағоб, Гараша, Чорвоқ, Боғдон, Сангзор, Танги, Наврўз** каби аҳоли пунклари номларини ана шу қатламга киритиш мумкин. Масалан, тумандаги Жўлангар қишлоғининг номи жўй-«арик»; лангар- «тўхташ жой», «карвонсарой». Лангар сўзини П.Ғуломов «тўхташ жой, қўноқ, манзил», деб шарҳлаган. Илгариги карвон йўлларидаги қўноқ жойлар, карвонсаройлар шу атама билан юритилган. Лангарларда чойхона, меҳмонхона, карвонсарой, баъзан гузарлар(бозори билан) бўлган.

Э.М.Мурзаевнинг таъкидлашича: «топонимларда ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларини ўқиш мумкин». Шундай экан, ҳар бир топоним муайян бир тарихий даврнинг маҳсули, асрлар давомида шаклан ўзгариб, мазмунан мавҳумлашиб қолади. Масалан, Фориш туманида **Гараша** номли қишлоқ бор. Ойконимга форс-тожик тилидаги «гиреҳкушо» сўзи асос бўлган. Гиреҳкушо сўзи гиреҳ-«тугун», «банд» ва кушо - «ечмоқ», «тугунларни ечувчи», «тилсимларни очувчи», «ҳожатбарор», маъноларини ифодалайди. Гиреҳкушо нисбаси XII аср охирлари ва XIII асрнинг бошларида яшаган, яссавия тариқатининг издошларидан ҳисобланган ва илк бор шу қишлоқ ҳудудида қўним топган шайх Муҳаммадшариф ибн Алиасқарнинг тахаллусидир. Гиреҳкушо деб ном олишларига авлиёнинг кўпгина каромат қилганликлари ва муаммолар ечимини тўғри кўрсатганликлари сабаб бўлган. Ҳозирда Шайх Муҳаммадшариф ибн Алиасқар қабри атрофи обод қилиниб зиёратгоҳга айлантирилган.

Баъзан топоним шаклан ўзгарганлиги сабабли нотўғри талқин қилиниб, унинг этимологияси умуман бошқа маънони касб этиши мумкин. Бу ҳолни ҳам Гараша ойконими мисолида таҳлил қилиб кўриш мумкин. Чунончи, баъзи мутахассислар фикрича, Гараша ойконими гара —«қора» ва ша-«сой»

қисмларидан ташкил топган бўлиб, қадимий туркий тилда қора сўзи-«гара» тарзида, сой сўзи-«шай» шаклида қўлланилган. Шундай бўлса унда қишлоқ номи «қорасой» деган маънони беради.

Учинчи, энг сўнгги устки қатлам туркий топонимлардан таркиб топган, у вилоятнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган ва этимологик жиҳатдан бундай географик номларни аниқлаш анча осон. Бунга вилоятимиз ҳудудидаги ойконимлардан **Қорасой, Туятортар, Бирлашган, Ўртақишлоқ, Октош, Узунбулоқ, Ёйилма, Учма, Эгизбулоқ**, этноойконимлардан **Туёқли, Минг, Болғали, қирқ, Чўмичли, Калтатой, Сўлоқли, Илонли** ва бошқа юзлаб географик номлар мисол бўлади. Туркий қатламнинг яна бир ўзига хослиги аҳоли пункти номлари таркибида этнонимларнинг кўплигидир. Тадқиқотлар давомида шу нарса аниқландики, этноойконимлар кўпинча қабила ёки уруғ яхлит яшайдиган ҳудудларнинг марказида эмас, балки кўпроқ чекка қисмида, яъни бошқа қабила ёки уруғ билан чегарадош ва аралаш яшайдиган жойларда кўпроқ учрайди.

Масалан, қабила ёки уруғ вакиллари яхлит яшайдиган ҳудудларда қишлоқлар этноним билан аталмаган, аммо қабила ёки уруғ бошқа этнос вакиллари орасида ёки улар билан ёнма-ён яшаётган бўлса, кўпинча бундай қишлоқлар шу этнос номи билан аталган. Бу ҳолатни Зомин тумани мисолида таҳлил қилиш мумкин. Этнограф олима Б.Х.Кармишева ёзишича: «жалойир қабиласи то 1375 йилгача ҳозирги Оҳангарон ҳавзаси ҳамда Хўжанд атрофида яшаган. Амир Темурга қаттиқ қаршилик кўрсатганликлари учун, соҳибқирон жалойирлар саркардасини қатл эттиради ва уларни турли томонларга бўлиб юборади».

Натижада жалойирлар бошқа қабила ва уруғлар орасида йўқолиб кетмаслик учун, янги ташкил этган қишлоқларини **Жалойир** деб атаганлар. Ҳозирда Зомин, Каттакўрғон, Нарпай, Хатирчи, Қумқўрғон, Шўрчи, Зангиота, Қибрай, Қува, Риштон, Кармана туманларида ҳам Жалойир номи билан

қишлоқлар бор. Туманидаги жалойир қишлоғида яшовчи маҳаллий халқ XIV асрни охирларида бу ҳудудга келиб муқим яшаб қолган деган фикр мавжуд.

Тўртинчи қатлам арабларнинг кўп асрлик истилоси билан боғлиқ, улар ислом динини олиб келиш билан бирга келиб чиқиши араб тилига мансуб сўзлардан пайдо бўлган топонимларнинг шаклланишида фаол иштирок этганлар. Ҳозирда вилоят географик жой номлари таркибида учрайдиган *мозор, маҳалла, масжид, равот, ақба, суна, қалъа, тал* каби сўзлар аслида араб тилидан олинган. Арабча номлар вилоятнинг тоғли туманлари топонимиясида кўпроқ учрайди.

Масалан, туманда **Равот** деган ойконим бор. «Равот - ўрта асрларда арабларнинг мустаҳкамланган қароргоҳи. Тарҳи тўртбурчак, деворларида миноралари бўлган. Дастлаб (ислом дини тарқала бошлаган даврда) ғозийларга мўлжаллаб қурилган махсус бино. Кейинчалик Работ фақат кўрғон, истехком маъносидагина эмас, балки меҳмонхона (карвонсарой) мазмунида ҳам тушунилган. Ўрта Осиёда VIII-X-асрларда кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудлар билан чегарадош жойларда кўплаб работлар қурилган». Ўрта аср шаҳарларининг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари жойлашган қисмини ҳам рабод деб аташган ва VIII-IX-асрларда форс, тожик, ўзбек тилларига ўзлашган». Шу сабабдан, бу географик термин Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ҳудудида кенг тарқалган.

Қува тумани ҳудудидаги асли мўғул тилидан ўзлашган сўзлардан пайдо бўлган географик номларнинг келиб чиқиши XIII асрдаги мўғуллар истилоси билан боғлиқ ва у ҳозирда вилоят жой номлари таркибининг **кичик бир гуруҳини** ташкил этади. Мавжуд жой номлари орасида мўғулча номларнинг нисбатан камлигига уларнинг маҳаллий халқ билан аралашиб дини ва тилини қабул қилганлиги сабаб бўлган. Вилоят топонимияси таркибида ҳозиргача сақланиб қолган **Тўқай, Ёмчи, Ём, Сайхан Кўтал** каби аҳоли пунктлари номлари аслида мўғул тилидан олинган. Э.М.Мурзаевнинг фикрича, Жиззах шаҳридаги **Сайхан** маҳалласининг номи ҳам аслида мўғулча сайкан сўзидан

олинган «чиройли», «гўзал» деган маънони беради, кейинчалик географик термин сифатида бу сўз ўзбек тилига ўзлашган ва ҳозирда «катта», «текис очик жой», «майдон» маъносини ифодалайди. Маҳалла Туркистон тизмасининг давоми бўлган Молгузар тоғлари этагида атрофи очик, текис ва кенг яланглик ерда жойлашган.

Мўғул тилидан ўзлашган географик номлардан бири Зомин туманидаги Ём ойконимидир. Ём - қишлоғи тарихий манбаларга кўра XIII - асрдан шу ном билан маълум. Ём мўғулча сўз бўлиб йўл демакдир. Академик Б.Я.Владимирцов (1884-1931) ёзишича: «ём сўзи мўғуллардан туркий тилларга ўтиб, мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда жуда кенг тарқалган. Ёмлар чингизийлар даврида қурила бошлаган. Кейинчалик ём сўзи «чопарлар, йўловчилар қўнадиган ва от алмаштирадиган жой», «бекат» маъносини ифодалаган. Ёмда доим отлар шай туриб, бир қанча киши хизмат қилган. Угедейхон кўплаб ёмлар қурдирганлиги билан фахрланганлиги маълум».

Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиёда мўғуллардан кейин ҳам ёмларга зарурат борлиги учун улар сақланиб қолинган. Бунга «Бобурнома»даги қуйидаги сўзлар мисол бўла олади: «... ҳар ўн саккиз курухда олти ём оти боғлагайлар. Ёмчи ва сайисга улуфа ва отларга алиқ тайин бўлғай». XV - аср ўзбек тилига ёмхона - емхона, отлар сақланадиган жой, ём оти - чопар от, ёмчи - ём хизматчиси сифатида ўзлашган. Фориш туманидаги Ёмчи қишлоғининг номи ҳам «ём хизматчиси» деган маънони беради. А.Пардаевнинг эътироф этишича: «ём сўзи айрим ҳолларда «жом» кўринишида ҳам ифодаланган. Республикамиз ҳудудидаги «жом» номи билан аталадиган жой номлари мазмун - моҳиятига кўра ёмнинг айнан ўзидир». Шуниндек, муғулча ём сўзи нафақат туркий тилларга балки славян, хусусан, рус тилига ҳам ўтган. Масалан, рус тилидаги «ямшик» сўзига ём сўзи асос бўлган.

Баъзи мутахассислар араб ва мўғул тили билан боғлиқ бўлган географик номларни алоҳида тарихий қатламларга ажратишнинг кераги йўқ, араб ва мўғул тилларидан ўзлашган топонимлар аллақачон тилимизнинг луғавий бойлигига айланиб, халқ орасида сингиб кетган, сон жиҳатидан ҳам бундай топонимлар кўп эмас, деб ҳисоблайдилар. Босқинчилар сафида келган турли этник бирликлар, жумладан араб ва мўғуллар давр ўтиши билан маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган бўлса ҳам, аммо уларнинг «изи» географик номлар таркибида ҳозирга қадар сақланиб қолган. Ўрта Осиёни босиб олган араблар этник жараёнга таъсир қилмаса-да, ислом дини ҳукмронлигини ўрнатган. Мўғул истилоси эса, бутун минтақада ўз таъсирини ўтказиб маҳаллий халқнинг ирқий тузилишига бир оз ўзгаришлар киритган.

Русча жой номларнинг пайдо бўлиши XIX-асрнинг охири ва XX-асрнинг бошида Россия тамонидан Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ ва уларни ўзига хос микрогуруҳ десак ҳам бўлади. Русча топонимлар турли сабаблар билан пайдо бўлган.

Узоқ давр мобайнида мустақил топонимик сиёсатни амалга ошириш имкони бўлмаган республикада, бу ҳолат географик номларда ҳам ўз аксини топган.

Жой номларини харитага туширадиган мутахассислар маҳаллий тилларни билмаган ва рус тилининг грамматик хусусиятларидан келиб чиқиб жой номларини харитага туширганлар. Эндиликда географлар, тилшунослар, тарихчилар топонимларнинг русча ёзилишини тубдан қайта кўриб чиқиб географик номларнинг аслига тўғри вариантларини тавсия этишлари керак. Топонимист Н.П.Архангельский соҳадан анча хабардор зиёли сифатида бу ҳақда бундай ёзган: «Ўрта Осиё географик номенклатурасининг рус тилида расмийлаштирилган шакли географик объектларнинг маҳаллий аҳоли тамонидан қабул қилинган номлари шаклидан жуда катта фарқ қилади».

Собиқ Иттифоқ даврида бундай топонимлар вилоят ҳудудида ҳам жуда кенг тарқалган. Чунончи, **Ленин, Маркс, Энгельс, Ульянов, Октябрь,**

Партсъезд, Большевик каби ойконимлар вилоятнинг ҳар бир туманида мавжуд бўлган.

Мустақиллик шарофати билан кўпчилик географик номлар давр талабини акс эттирадиган, халқона, оддий, содда ҳамма учун тушунарли бўлган номлар билан алмаштирилди ёки уларнинг тарихий номлари қайта тикланди. Хуллас, вилоят жой номлари бир неча давр маҳсули бўлиб ҳар бир даврнинг ўзига хос топонимлари мавжуд. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, даврлар орасидаги чегаралар шартли бўлиб, стратиграфик қатламлар орасида узвий боғлиқлик мавжудлиги сабабли уларни аниқ белгилаб бўлмайди, янги қатлам аввалгисини тўлдирса, эскиси янги қатламга ўз таъсирини ўтказган.

2.3. Қува топонимиясининг такомиллаштириш йўналишлари

Қува туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”**ги 2004 йил 11-августдаги 383-сонли қарори амалиётга тадбиқ этилмоқда. Туман топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи 19 кишидан иборат комиссия таркиби тузилган. Туман комиссия қошида 13 кишидан иборат ишчи гуруҳ тузилган. Ишчи гуруҳга асосан туман халқ таълими бўлими ходимлари, меҳнат фахрийлари жалб этилган. 2009 йил давомида комиссия томонидан жами 4 маротаба, жорий йилнинг I-чорагида 2 маротаба йиғилиш ўтказилган. 2010 йил 20 февралдаги йиғилишда тумандаги Бекобод МФЙ номи Саноатчилар ШФЙ бўлиб ўзгартириш ҳақида қарор қилинган. 2010 йил 31 мартдаги йиғилишда туман топонимик комиссиясининг вазифалари белгилаб олинган. Туман комиссияси томонидан тумандаги 2-гуруҳларга мансуб топонимик объектлар рўйхати аниқланган.

Туманда 2012 йил 1 январ ҳолига янги топонимик карта тузилган. Бироқ у таҳрирга мухтож, кўча номлари тўлиқ эмас. Туманда Республика комиссияси томонидан 1 та (Таваккал Қодиров) кўча номи ўзгартирилган. Мазкур кўчада кўча номи кўрсаткичлари ўрнатилган, уйлар рақамланган. Тумандаги 1-гуруҳга мансуб кўчалардан Қува шаҳридаги 28 та кўча ва маҳалаларга кўрсаткичлар қўйилган, уйлар рақамланган. Намуна ҚФЙ, Муҳитдинов ҚФЙ ҳудудларида кўча номлари кўрсаткичларини қўйиш тугатилмаган, уйлар рақамланмаган, хўжалик дафтарларида кўча номларида камчиликлар бор. Қишлоқ фуқаролар йиғинларида (Намуна, Муҳитдинов, Иттифок) 2-гуруҳга оид бўлган номларни алмаштириш бўйича ўтказилган йиғилиш баённомалари мавжуд эмас. **Туманда 11 та ҚФЙ, 47 МФЙ, 133 та қишлоқ ва кўчалар мавжуд. Шулардан 2 та такрорий, 25 та шахс номи билан боғлиқ ҚФЙ, МФЙ ва кўча номлари мавжуд. Уларни алмаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, лекин, вилоят комиссиясига топширилмаган.**

Шаҳар марказида жойлашган тарихий обидаларнинг аҳволи қониқарли даражада, бироқ, Муҳитдинов ҚФЙ ҳудудида жойлашган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари шарафига қўйилган ёдгорлик қаровсиз ҳолда, таъмирлаш ишлари бошланиш арафасида. Намуна ҚФЙ ҳудудида жойлашган меъмориал лавҳалар таъмирга мухтож. Намуна ҚФЙ, Турк МФЙ, 30-мактаб, Муҳитдинов ҚФЙ, Иттифок ҚФЙ биноларидаги пешлавҳаларда давлат ва вазирликлар номлари ҳато ёзилган (фотосуратлар илова қилинади). Биноларни жиҳозлашда ёзувлар кирил имлосида, айрим ҳолларда имловий ҳатоларга йўл қўйилган. Муҳитдинов ҚФЙ биноси рўпарасидаги АЁҚШ да барча ёзувлар кирилл алифбосида ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги қонуни талаблари бўйича жойларда олиб борилаётган ишларнинг аҳволи қониқарли. Туман ҳудудига қўйилган постерлар, намоиш тахталари давлат тилида, барча талабаларга мос ҳолда жиҳозланган.

Намуна ҚФЙ га қарашли милиция профилактика хонасида, Турк МФЙ, Муҳитдинов ҚФЙ биноларидаги Давлат рамзлари талаб даражасида эмас,

Иттифоқ ҚФЙ да Давлат рамзлари давлат стандартига мос эмас. Тумандаги 30-мактабда Давлат байроғи қаровсиз ҳолда, алмаштирилишга муҳтож (фотосуратлар илова қилинади).

Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш корхоналарига тегишли транспорт воситаларидаги ёзувлар янги номлар билан алмаштирилган, лекин улар кирилл алифбосида ёзилган.

Қува шаҳридаги Тошкент МФЙ, Тинчлик МФЙ, Қува МФЙ, Ғалаба МФЙ, Тахтақўприк МФЙ, Раста МФЙда Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”**ги 2004 йил 11-августдаги 383-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича ташкилий-услубий ишлар такомиллаштирилиши зарур. 2-гурӯҳга тегишли бўлган жой номларини ўзгартириш ва бу ҳақда туман, вилоят комиссияларига баённома бериш тартиби тушунтирилди.

Туман топонимияси таркибида табиатнинг кўпгина хусусиятлари, аҳолининг ҳўжалик фаолияти ва этнографияси, асрлар давомида ушбу ҳудудда рўй берган тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳамда воқеа-ҳодисалар ўз аксини топганлиги тадқиқот давомида аниқланди. Аммо, географик номлар нафақат ўтмишнинг маънавий қадриятлари сифатида, балки бугунги кунда ҳам жамиятнинг турли эҳтиёжларига хизмат қилаётганлиги билан ҳам қимматлидир. Шу сабабдан, жой номларини тартибга солиш, уларнинг ёзилиш қоидаларига риоя қилиш, ёзилишини миллий ва халқаро миқёсда стандартлаштириш, адреслик функциясини бажариши учун уларни расмий ҳужжатларда, карталарда, дарслик, қўлланмаларда ва бошқа нашрларда тўғри ҳамда ҳар доим бир хил ёзилишини таъминлаш бугунги кунда топонимика олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирда, ҳар қандай ташкилот ва идораларга уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, транспорт ва алоқа корхоналарига, фан, маориф, маданият, матбуот, радио ва телевидение жой номларининг халқаро миқёсда,

хусусан миллий тилда тўғри ва қатъи ёзилишидан манфаатдор. Шундай экан, минтақа топонимиясида мавжуд бўлган муаммоларнинг долзарблигини инобатга олиб, уларни бартараф қилиш бўйича, мазкур тадқиқот ишида тавсия ва таклифларни баён қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Жой номларини нуқсонсиз ёзиш умумий саводхонликни узвий бир қисми эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳар қандай географик объект номи ёзилишининг расмий ва умумий истеъмол учун ягона шаклини аниқлаш ва қатъийлаштириш жой номларини стандартлаштиришнинг асосий моҳияти ва вазифаси саналади. Жой номларини стандартлаштиришни қандай қўллаш мумкин деган савол кўпчиликни қизиқтириши аниқ. Бизнинг назаримизда, географик номларни стандартлаштириш тушунчаси, биринчидан, мамлакат ёки минтақа ҳудудидаги ҳар қандай объектнинг номи қатъий шаклда берилиши; иккинчидан, «объект-топоним» ўртасидаги алоқа ягона маънони касб этиши; учинчидан, бошқа тиллардан ўзлашган номларни асл шаклда берилиши каби маъноларни ифодалайди. Бошқача айтганда, ҳар бир географик объект номининг расмий ва умумистеъмолда бир хилда ёзилишини қатъийлаштириш, қонунлаштириш географик номларни стандартлаштириш дейилади.

Кейинги йилларда географик номларни стандартлаштириш муаммоларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) катта аҳамият бермоқда. БМТ томонидан чақарилган ва географик номларни стандартлаштиришга бағишланган бир неча конференция, БМТ нинг географик номлар бўйича экспертлар гуруҳлари фаолияти шунинг далилидир. Республика миқёсида ҳам жой номларини стандартлаштириш бўйича ишлар бошланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси республикадаги барча географик объектларнинг стандартлаштирилган, қатъийлаштирилган номлар луғатини яратиш устида ишламоқда.

Географик номларнинг ёзилиш шакллари стандартлаштириш, яъни харита, атлас, расмий ҳужжатлар, илмий асарлар, дарсликлар, даврий

нашриётда бир хил ёзилишини таъминлаш республика тарихида биринчи бор амалга оширилаётган ўта муҳим ва масъулиятли вазифа. Бу ишнинг қийинлиги шундаки, неча минглаб жой номлари шаклида учрайдиган ёки уларни таркибида келадиган ижтимоий-иқтисодий, географик терминлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг, уруғ-аймоқларнинг номлари, ҳатто киши исмлари ҳам турли жойларда турлича фонетик, семантик шаклларда муҳрланиб қолган. Боз устига топонимлар таркибидаги қадимий сўзлар ҳозирги вақтда тушунарсиз бўлиб қолган. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, илмий, маданий, туристик алоқаларни янада ривожлантириш учун, республикадаги географик номларнинг миллий шакллари ўзбек тилида ва янги латин ёзувида яратиш долзарб масала ҳисобланади.

Стандартлаштириш анча мураккаб иш эканлигини бир мисол ёрдамида таҳлил қилиб кўриш мумкин. Масалан, асли Дизак бўлган Жиззах шаҳрининг номини руслар Джизак, қozoқлар Жиззақ, тожиклар Дизах деб талаффуз қилишади. Агар жой номини асл ҳолида стандартлаш керак десак, унда кўп йиллар давомида ишлатиб келаётган ва ҳозирда анъанавий бўлиб қолган Жиззах номидан воз кечишга тўғри келади. Бизнингча, бундай ҳолатда профессор Э.М.Мурзаев томонидан таклиф қилинган учинчи йўлни танлаш мақсадга мувофиқ, яъни эндиликда жой номларини нотўғри ёзишга йўл қўймаслик, мавжуд анъанавий номларни аста-секин, асл ҳолига келтириш лозим. Бу жараён мураккаб ва анча муддатга чўзилиши мумкин, аммо шакл ва мазмунан ўзгарган географик номлар сони йилдан-йилга камайиб бориши аниқ.

Географик номларнинг транскрипцияси ҳақида гапирганда, шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, жой номларини тўғри талаффуз этиш, ҳамма манбаларда хатосиз бир хил ёзиш маданиятнинг муҳим кўрсаткичлардан биридир. Албатта, кўпчиликни жой номларини давлат тили ҳисобланган ўзбек тилида ҳамда бошқа тилларда қандай ва қанчалар тўғри ёзилиши қизиқтиради. Аслида, бу осон иш эмас, жой номларини тўғри ёзиш мураккаб иш, бунинг учун камида номнинг этимологияси тўғрисида тассавурга эга бўлиш, этнонимларни, яъни

уруғ-қабила номларини фарқлаш, жой номининг тарихидан ва маҳаллий шевалардаги шаклларида хабардор бўлиш лозим.

Энг муҳими географик номларни бошқа тилларда тўғри ёзиш учун транскрипция («transcripto»-кўчириб ёзиш) қоидаларини пухта ўрганиб олиш керак. Транскрипция деганда жой номларини талаффузига қараб, қулоққа қандай эшитилган бўлса, шундай ёзиш усули тушунилади. Бугунги кунда топонимларни аслиятидан транскрипциялашни иложи йўқ, чунки мавжуд хариталардаги жой номлари асосан рус мутахассислари томонидан ёзиб олинган ва у нуқсонлардан холи эмас. Собиқ Иттифок даврида бутун республикадаги каби вилоятнинг мукаммал харитаси ўзбек тилида чоп этилмаган ва минглаб географик номларни ўз ичига олган мавжуд хариталар маҳаллий тилларни яхши билмаган мутахассислар томонидан тузилган.

Яна бир масалага мутахассислар диққатни жалб қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Вилоят топонимияси таркибида туркий топонимлардан ташқари, сўғд, араб, мўғул, форс-тожик тилидан кириб келган аҳоли пунктлари номлари ҳам кўп. Кейинги йилларда бошқа тиллардан кириб келган жой номларини туркийлаштириш тенденцияси сезилмоқда. Баъзан эса жой номларидан маъно қидириб, ёзишга интилиш ҳоллари учрайди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида аён бўлдики, соҳа мутахассислари олдида турган энг муҳим вазифалар - бу миллий топонимиянинг ёзилишини илмий асосга қуриш, уларнинг ёзиш шаклларини узил-кесил тасдиқлаб олиш, хорижий жой номларини ҳам бевосита аслиятидан ўзбекчага транскрипциялаш каби масалалардан иборат.

Жой номларини алмаштириш ва янги номлар яратиш масаласи ҳам топонимика олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, шаҳар-қишлоқ номлари бўладими, кўча-кўйларнинг номлари бўладими, халқ ижоди маҳсули сифатида содда, оддий, ҳамма учун тушунарли, реал ҳақиқатни акс этадиган, чуқур илмий, сиёсий,

амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлмас экан ёки бир сўз билан айтганда жой билан ном ягона иттифоқда бўлмаса, уни алмаштиришга тўғри келади.

Жой номини алмаштириш, объектга янги ном танлаш анча машаққатли иш, чунки ҳамма сўздан жой номи ясалавермайди, бошқача айтганда топоним сўз танлайди. Фалсафадаги замон ва макон тушунчалари географик объектларнинг номини алмаштиришда ёки жойларга янги ном танлашда ҳам принцип бўлмоғи керак. Яна ҳам аниқроқ айтганда, шу ердаги реал воқеаликдан, кундалик ҳаётдан, мавжуд табиий, иқтисодий, маданий турмушдан келиб чиқиб ном танлаш зарур. Географик объектларга ҳеч қандай асоссиз баландпарвоз, ҳақиқий воқеаликдан узоқ номлар қўйиш, яъни мафкуравий лоф уришнинг ҳаётий сиёсат эмаслигини аччиқ тажриба кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, ростакам топоним кўпинча икки компонентдан-таркибий қисмдан иборат бўлмоғи керак. Масалан, Қувада **Баҳор** ва **Баҳористон** номли кўчалар бор. Баҳор топоним эмас, балки йил фаслини билдирадиган термин, уни кўклам деса ҳам бўлади, Баҳористон эса топонимга айланиши мумкин, чунки бу сўзнинг «ер», «жой» маъноси ҳам бор. Кўпинча Баҳористон деганда «яшнаган гўша», «ҳамма томони ям-яшил жой» тушунилади. Баҳор сўзи географик ном бўлолмайди, чунки унда топонимлик «иммунитети» йўқ, унга зўрма-зўраки топонимлик «паспорти» берилган жой номидир. Бундай сўзларни топонимга айлантириш учун уларга топонимик «тўн» кийдириш керак, яъни олд ёки орқа қўшимча қўшилса у жой номига айланиши мумкин.

Эски номни ўзгартириш зарурияти пайдо бўлган тақдирда, ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашган маъқул, нима сабабдан алмаштириш зарурияти пайдо бўлганлигини аниқлаш даркор. Жой номи ўзгардими объект ва унинг номи билан боғлиқ ахборотлар ҳам ўтмишга айланади, ҳар бир топоним ўз даврини маҳсули экан, янги ном билан аталган объект қанча қадимий бўлмасин, худди эндигина барпо этилган аҳоли пунктидек туюлади. Аслида, жой номларининг ўзгариши ҳамда янги номларнинг берилиши доимий жараён, аммо унинг

жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ эмаслиги аниқ. Аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий категория эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ойконимларнинг топонимияни энг ўзгарувчан тармоғи дейишга асос пайдо бўлади.

Республика мустақилликка эришгач жой номларини тартибга солиш, миллийлаштириш, ўринсиз ўзгартирилган номларни қайтадан тиклаш соҳасида катта ишлар қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йили 30-августдаги "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида"ги 2004 йил 11-августдаги 383-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-120-сонли қарорларидан кейин халқ тарихи, маданияти, тилига алоқадор бўлмаган ҳар қандай географик объектларнинг номлари ўзгартирилди, тарихий номлари тикланди ёки қайта номланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, янгидан қўйилган номлар орасида мазмун - маъно жиҳатидан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам чинакам миллий топонимлар кўпчилиқни ташкил қилади. Аммо, географик номларни ўзгартиришга кўп ҳам мафтуни бўлиш керак эмас, замонавий топонимлар иштиёқида тарихий жой номларидан воз кечиш мутлақо ярамайди. Шу билан бирга қайта-қайта такрорланадиган жой номлари кўпайиб кетмаслиги керак, чунки улар топонимларни мазмун жиҳатидан қашшоқлаштиради, бошқача айтганда жой тарихи, табиий шароити билан боғлиқ бўлмаган сунъий топонимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Масалан, юқорида қайд қилингандек вилоят харитасида тўртта **Янгиҳаёт**, олтига **Янгиқишлоқ**, ўнта **Янгиобод** номли

аҳоли пунктлари мавжуд, улар давлат идоралари, транспорт, тез ёрдам, почта ва шу каби ташкилотлар ишида ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун географик объектларни номлашда келажакда ягона илмий қоидалар ва дастурлар ишлаб чиқирилиши шарт.

Географик объектларга ном беришда ёки уларни қайта номлашда аввалги хато ва нуқсонлар такрор бўлмаслиги зарур. Машҳур кишиларнинг номини топонимлар сифатида абадийлаштириш аслида ёмон иш эмас, аммо бу ишни оқилона амалга оширилган маъқул. Шарқда қадимдан йирик географик объектларга машҳур кишиларнинг исмини бериш расм бўлмаган, ҳозир ҳам шундай бўлгани маъқул. Агар, машҳур кишилар номини шаҳар, қишлоқ ёки кўчага бериши керак бўлган тақдирда, у албатта, тушунтириш ишлари билан биргаликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Кишилар хотирасини абадийлаштиришни бошқача, яъни асарларини чоп этиш, улар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида оммабоп рисоалар нашр этиш ва ҳоказо каби имкониятлар ҳам борлигини унутмаслик керак. Бошқача айтганда, цивилизациянинг ҳозирги босқичида географик объектларни кишилар шарафига номлаш номақбул принцип ҳисобланади.

Шаҳар ва қишлоқларнинг тез суръатлар билан ўсиши ва ривожланиши уларга янги типдаги жой номларини бериш имкониятини яратади. Барпо этилаётган аҳоли пунктларига ўша жойнинг халқона номини бериш мақсадга мувофиқ, агар бундай ном бўлмаган тақдирдагина янги ном бериш мумкин, шунда ҳам ном бериш санъат эканлигини унутмаслик даркор. Берилаётган янги номлар аввалгисидан фарқ қилиши, такрор бўлмаслиги ҳамда мавжуд топонимик система қоидаларини бузмаслиги лозим. Бизнингча, географик объектларга ном танлаш ўта масъулиятли иш, шу сабабдан янги номларни танлаётган мутахассисларни ота-боболаримиз бизга қандай номларни мерос қилиб қолдиргану, биз келажак авлодларга қандай географик номларни қолдираяпмиз деган, андеша ҳар доим безовта қилиши шарт.

Янги топоним қандай бўлиши керак деган саволга ойдинлик киритиш ҳамда бу борада тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Жой номининг қандай бўлиши керак деган саволга жавоб бериш баробарида топонимнинг қандай бўлмаслиги лозим деган саволга жавоб излаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Шубҳасиз, жой номларининг энг муҳим вазифаси, уни адреслик функциясидир. Аммо, бу вазифасини аниқ бажариши учун топоним нафақат объект номи, балки уни бошқа объектлардан фарқ қиладиган хусусиятлари ҳақидаги ахборотга ҳам эга бўлиши лозим. А.В.Суперанская, объектларни номлашда минтақавий тафовутларни инобатга олган ҳолда, «географик объектларни яхши фарқ қилмоқ учун, бир номни бошқасига ва ҳар бирини барчасига қарши қўйиб кўриш керак» деган, хулосани баён қилган.

Бу фикрнинг қанчалар тўғри эканлигини мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан, чўл туманлар топонимиялари тоғли туманлардагига нисбатан ўзининг бир хиллиги, ранг-баранг эмаслиги, такрор бўлиши билан ажралиб туради. Бунга мутахассисларнинг рельеф текис бўлса, табиий чегаралар бўлмаса, топонимлар кам бўлади деган фикрини асос қилиб кўрсатиш мумкин. 1989 йили ўзбек тили давлат мақомини олгандан кейин республика миқёсида жой номларини миллийлаштириш ва илмийлатириш, тарихий номларни халққа қайтариб бериш, хўжаликларнинг номларини ўзгартириш, бу соҳага жамоатчилик фикрини жалб қилиш каби ишлар амалга оширила бошланди. Янгидан берилган номларни кўпчилиги мазмун-маъно ва грамматик жиҳатидан талабга жавоб беради. Аммо, улар орасида юқорида қайд қилингандек, топонимик иммунитетга эга бўлмаган **Илғор, Зарбдор, Ғалаба, Бирлик** каби номлар ҳам пайдо бўлди.

Нега шундай бўлди? Бунинг асосий сабаби объектларга ном бериш ва қайта номлаш маҳаллий ҳокимият органлари зиммасида юклатилган бўлиб улар бошқа ҳудудларда қандай номлар қўйилаётганидан беҳабар ўзича «чиройли» номларни танлашган. Ҳозирги даврда бу борада йўл қўйилган хато ва

камчиликларни бартараф қилиб, географик объектларга ном берилаётганда улар ижтимоий ҳодиса эканлиги, жамият тараққиёти билан боғлиқлиги ҳамда шакл ва маънавий жиҳатдан минтақа топонимиясидан кескин фарқ қилмаслиги керак.

Албатта, вилоятдаги ҳар бир туманнинг топонимик комиссияси аъзолари географик объектларга ном беришда ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари борлигини инобатга олмоғи лозим. Ном танлашда ҳудуднинг табиий шароити, иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этнографияси каби омилларни инобатга олган ҳолда, топонимларни маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, уларнинг инсонларда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришига хизмат қилиши лозимлигини ҳам унитмаслик даркор.

Географик объектларга ном беришда қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур, биринчидан, номнинг маъноси аниқ, тузилиши содда, қулай бўлиши лозим. Иккинчидан, қўйиладиган ном тилнинг грамматик қоидаларига мос келиши зарур. Ном биргина географик термин ёки ижтимоий-сиёсий истилоҳлардан, биргина ўсимлик ёки ҳайвон номларидан иборат бўлмаслиги керак. Учинчидан, бир хилдаги номлар кўпайиб кетмаслиги лозим, чунки бир вилоят, шаҳар ёки туманнинг ўзида бир хил ёзиладиган ном иккита бўлса, чалкашлик туғилади. Тарихий топонимлар эса ўтмиш гувоҳларидир, шу сабабдан уларнинг лисоний, тарихий, сиёсий ва илмий аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиниб улар келажак авлодларга етказиб берилиши шарт.

ХУЛОСА

Кува туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”**ги 2004 йил 11-августдаги 383-сонли қарори амалиётга тадбиқ этилмоқда. Туманда 11 та ҚФЙ, 47 МФЙ, 133 та қишлоқ ва кўчалар мавжуд. Шулардан 2 та такрорий, 25 та шахс номи билан боғлиқ ҚФЙ, МФЙ ва кўча номлари мавжуд. Уларни алмаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, вилоят комиссиясига топширилган.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мустақил топонимик сиёсат олиб борди. Натижада, жой номларига миллий қадрият қатламларидан бири сифатида қаралиб халқ тарихи, маданияти, тилига алоқадор бўлмаган, ҳаёт ҳақиқатини акс этмайдиган географик номлар ўзгартирилди, тарихий номлари тикланди ёки қайта номланди. Амалга оширилган ишлар «...миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимизга етказиб бериш каби маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор» деб, белгиланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йили 30-августдаги **“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида”**, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги **«Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ПК-120-сонли қарорларидан кейин ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Аммо, туман топонимиясида ўз ечимини кутаётган масалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ҳудуд географик объектларининг номлаш қонуниятлари, уларни миллий стандартлаштириш, жой номларининг транскрипцияси, минтақа жой номларининг лингво-географик қатламлари, маҳаллий географик терминларнинг

топонимларнинг шаклланишидаги ўрни, туман топонимиясини географик классификациялаш каби масалалар бу соҳада тадқиқотларни кучайтиришни талаб этади. Ушбу тадқиқот ишида илк бор минтақа жой номлари иқтисодий-ижтимоий география фани ва унинг қонуниятлари доирасида ҳамда туман аҳоли пунктлари номлари мисолида тадқиқ ва таҳлил қилинди.

Албатта, ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари борлигини инобатга олмоқ даркор. Туман топонимияси унинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, табиий шароити, тарихи ва иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари билан билан чамбарчас боғлиқ эканлигини инкор қилмасдан жой номларини улар билан уйғунликда ўрганиш, кўпгина топонимларни тўғри изоҳлаш ва тадқиқ қилиш имконини беради. Географик номларнинг пайдо бўлиши стихияли ёки тасодифий бўлиб кўринсада, аслида бир қатор мураккаб қонуниятлар билан боғлиқ, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш долзарб вазифасидир.

Туман жой номларини географик жиҳатдан тадқиқ этиш, уларни шаклланишида минтақанинг ижтимоий - иқтисодий ва географик хусусиятларини аниқлаб ўрганиш, ҳудуднинг географик ўрни, аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби ва уларнинг топонимик жиҳатдан ўрганилиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ихтисослашуви, жой номларининг минтақавий хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммолари каби масалаларни ойдинлаштиришни тоқазо этади.

Туманнинг ҳокимияти қошида ташкил этилган топонимик комиссиялар ишини жонлаштириш зарур. Комиссия аъзолари маҳаллий ҳокимият вакиллари бошчилигида шаҳар ва туманлардаги барча объектлар номларини илмийлигини текшириб, уларнинг лотин алифбосида тўғри ёзилиши назорат қилмоғи лозим. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай муассиса ва ташкилот ном танлашда маҳаллий ҳокимият қошидаги топонимик комиссиянинг маслаҳати билан иш кўриши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. –б.19
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: «Ўзбекистон», 2009.-б.8
3. Бегматов Э. Жой номлари ва жойларни номлаш олдига қўйилган асосий талаблар. ЎФ Тошкент шаҳри ва тумани топонимлари муаммолари. Илмий-амалий конференция докладлари тезислари.-Т.: 1994. –22-23 б.
4. Губаева С.С. Этнонимў в топонимии Ферганской долины. ЎФ Автореф. дис. канд. истор. наук. – М.: 1973.
5. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари.-Т.: 1968. -97 б.
6. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1977. -174 б.
7. Караев С. Топонимия Узбекистана. –Т.: Фан, 1991. -130 с.
8. Кармўшева Б.Х. О некотороўх древних тюркских племенах в составе узбеков. –М.: Наука, 1960.
9. Мурзаевў Э. и. В. Словарь народнўх географических терминов.-М.: 1959. -303 с.
10. Никонов В.А. Введение в топонимику. –М.: Наука, 1965. -178 с.
11. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. - Т.: Фан, 1989.
12. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми?-Т.:1970.-190 б.
13. Қораев С. Географик номлар маъноси. –Т.: 1978.-180 б.
14. Қораев С, ва бошқ. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳи луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1979. -156 б.
15. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати. –Т.: 2001. –176 б.
16. Қораев С. Ўзбекистон туманлари топонимлари. –Т., 2005. -238 б.
17. Qoraev S. Toponimika. –Т.: 2006. -320 б.
18. Ғуломов П.Н. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -140 б.

19. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. -Т.:1965.-80 б.
20. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. -Т.: Ўзбекистон, 1985. -120 б.

.